



1913-yil aprel oyidan chiqq boshlagan



www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz

Йил якунидаги сарҳисоб ва келгуси йил учун режалар

23 декабрь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 6-сессияси сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Кенгаш котибияти мудирини З.Каримов бошқарди.

Дастлаб вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар юзасидан спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ш.Рўзиевнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланишича, аҳоли ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, истеъдодли спортчиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида йил бошидан буён 1788 та оммавий спорт тадбирлари ўтказилди. Бу тадбирларда 257 мингдан ортиқ иштирокчи, жумладан, 114 минг нафар хотин-қизлар жалб қилинди. Айниқса, "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида икки мавсумда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган 670 мингдан ортиқ ёшлар спортнинг ўн тури бўйича ўзаро беллашди. Эътиборлики, вилоятимиз ёшлари мусобақанинг республика босқичида ҳам совринли ўринларни қўлга киритди.

Ш.Рўзиев 2024 йил Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва паралимпия ўйинларига йўлланма олиш учун 27 нафар спортчи ўн та спорт тури бўйича мусобақаларда қатнашаётганини маълум қилди.

Шундан сўнг вилоят ҳокими-нинг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўсаланиш-ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.Шукуров давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳақида бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Ҳоким ўринбосарининг таъкидлашича, 2022 йилда вилоят ҳокимилиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачилигида 119 та объектда қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. 109 объектда қурилиш-монтаж ишлари якунида, фойдаланишга топширилди. 10 та объектда ишлар 2023 йилда ҳам давом этди.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, вилоятдаги 585 та маҳаллада амалга оширилган 588 та лойиҳанинг манзилли рўйхати тасдиқланди ва объектлар учун жами 394,9 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган, - деди А.Шукуров. - Бугунги кунда 582 та объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олинган, пудратчиларни танлаш бўйича электрон тендер савдоларига эълон берилган. 509 та объект пудратчилари аниқланиб, қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Шу лойиҳа объектларга 60 миллиард сўм молиялаштирилди ва 64,9 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 28 та қишлоқ ва 4 та маҳалланинг архитектура кўйфаси янгиланди ва ҳудудлари ободонлаштирилди. Жумладан, 14 та боқча, 11 та мактаб, 6 та тиббиёт муассасасида қурилиш, таъмирлаш ишлари бажарилди, 344,9 километр ички йўллар таъмирланди, 382,6 километр ичимлик суви ва оқова суви тармоқлари ҳамда 45 та иншоот қурилди. Дастурларда белгиланган ишлар деярли якунига етказилди. Фақатгина иккита объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳозир ҳам давом этмоқда.

Депутатлар қурилиш ишларида сифатнинг етарли даражада таъминланмаётгани, лойиҳаларнинг мукамал эмаслиги ва пудратчиларнинг қонунга эид хатти-ҳаракатлари юзасидан эътироз билдириб, бу борада назоратни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Сессияда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманноровнинг 2022 йил 5 май кунини Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида тез тиббий ва шошилич ёрдам хизмати фаолияти босқичида ҳам совринли ўринларни қўлга киритди.

Бошқарма бошлиғининг маълум қилишича, Президентимизнинг 2022 йил 16 июндаги "Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Республика тез тиббий ёрдам маркази Самарқанд вилояти филиали ташкил этилди. Бошқарманинг икхтисослаштирилган автокорхонаси ва автохўжалигининг ходимлари, шунингдек, Республика шошилич тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиали ҳамда туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларидаги тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари Республика тез тиббий ёрдам маркази Самарқанд вилояти филиалига ишга қабул қилинди.

Бирлашма тиббиёт муассасаларида тез тиббий ёрдам хизматини йўлга қўйиш мақсадида вилоятда 16 та кўп тармоқли марказий ва 12 та оилавий поликлиникада туну кун фаолият кўрсатувчи тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди.

Тез тиббий ёрдам автоматналарининг барчаси (316 та) GPS трекерлар билан жиҳозланди ва ягона UZGPS тизимига уланди.

Кун тартибига кўра, сессияда "Uzbekistan Digital Inclusion" лойиҳаси концепциясини кўриб чиқиш тўғрисидаги, Булунгур, Нуробод, Паст Даргом ва Пахтачи туманларининг айрим маҳалла фуқаролар йиғинларининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлаш ҳақидаги, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйиш бўйича мулкдорлар билан очик муҳокама ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг низоми, Кенгаш доимий комиссияларининг 2023 йилга йўлланган иш режалари тасдиқланди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз.

Самарқанднинг бошқаруви такомиллашади



Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимизни 2023 йилда ҳар томонлама ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш, муҳими, халқимиз фаровонлигини ошириш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Келгуси йил "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб номланди.

Албатта, Президентимизнинг ҳар бир йўналиш бўйича илғари сурган ташаббус ва тақлифлари бугунги шиддаткор давр ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан келиб чиққани билан аҳамиятли бўлди. Яна бир эътиборли томони, бу ташаббуслар айни пайтда такомиллаштирилаётган Конституцияда ҳам ақс этиши зарурлиги кайд этилди.

Мурожаатномада Самарқанд шаҳрига алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида республикага бўйсунадиган ҳудуд мақоми берилиши кайд этилди.

Аслида, давлатимиз раҳбари кейинги йилларда вилоятимизга ҳар бир ташрифи чоғида, шунингдек, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

бўйича дастурлар ва Самарқанднинг бош режасини ишлаб чиқиш жараёнларида бу ғояни илғари сурмоқда. Самарқандни бир миллионли шаҳарга айлантириш ва бу ерда бешта туман ташкил этиш бўйича ҳаракатлар аллақачон бошланган. Шаҳар ҳудуди атрофидаги туманлар ҳисобига кенгайиб, аҳоли сони ҳам бир миллионга яқинлашмоқда.

Самарқандга алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик мақоми берилиши аввало, унинг дунёдаги йирик туристик марказлардан бири сифатидаги нуфузи ва шўхратини оширишга ёрдам беради. Сабаби, кейинги йилларда Самарқанд йирик халқаро форум ва тадбирлар ўтказиладиган шаҳарга айланиб бормоқда. Деярли ҳар hafta нуфузли анжуманларга мезбонлик қиляпти. Биргина якунига етётган йилда давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокидаги ўнга ақин халқаро форум ўтказилди. Келгуси йилда йигирмадан ортиқ шу каби нуфузли тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, шаҳарда туманларнинг



ташкил этилиши йил сайин кенгаётган ҳудудни самарали бошқариш, кўлайиб бораётган шаҳар аҳолиси ва сайёҳларга муносиб шароит яратишга имконият яратди. Маълумотларга кўра, 2022 йилда Самарқандга 4,2 миллион маҳаллий, 1,2 миллиондан ортиқ хорижий турист келган. Кўнига шаҳарга 11-12

минг нафар сайёҳ келади. Бу шаҳар иқтисодиёти учун жуда катта даромад дегани. Лекин бунинг учун уларга сифатли ва халқаро талабларга мос хизмат кўрсатиш керак. Бунда бугунги кун талабларига жавоб берадиган бошқарув, яқин ва узоқ истиқболга йўлланган дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жуда муҳим.

Шаҳар республика бўйсунувида ўтказилса, вилоят ҳокимилиги зиммасидаги мажбурият ва вазифалар ҳам анча енгиллашади. Сир эмас, ҳозир шаҳарни бошқариш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ва яна бошқа кўп масалаларда вилоят ҳокимилиги зиммасида катта масъулият мавжуд. Шаҳар алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик бўлса, вилоятнинг бу имконияти бошқа туман ва шаҳарларни ривожлантиришга йўналтирилади. Пировардида бу вилоят аҳолисининг турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Ўқтам САИДМУРОДОВ,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.
(2-саҳифага қаранг)



Табий газ сарфи икки баробаргача иқтисод қилинмоқда

Вилоят ҳокими З.Турдимов Самарқанд шаҳри ва туманидаги айрим маҳаллалар аҳолиси хонадонларида яратилган шарт-шароитлар билан танишиш жараёнида "Худудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали томонидан электр қувватига, ҳам маиший газ баллонларига мослаштирилган арзон модулли печларнинг тақдими ўтказилгани. Вилоят ҳокими тажриба тарикасида Самарқанд туманидаги Бухори маҳалласидаги хонадонларга тежамкор модулли печларни ўрнатиш тақлифини берганди.

Бухори маҳалласида 635 та хонадон бўлиб, бир hafta ичида 478 та истеъмолчи хонадонга 5 турдаги тежамкор печлар ўрнатилоқда.

- Тажриба ўтказиш жараёнида аҳоли хонадонларида 23 фоз, ҳудуддаги 6-умий ўрта таълим мактабига ўрнатишга печлар эса 40 фоз табиий газни иқтисод қилиши маълум бўлди, - дейди "Самарқанд тумангаз" газ таъминоти бўлими бошлиғи Сўҳроб Бобоев. - Шунингдек, икки контурли печларнинг нархи 45 - 75 минг сўмгача бўлиши ҳам аҳоли учун қўлай.

Маҳалладаги ижтимоий соҳа объектларига, жумладан, мактаб, болалар богчалари, ҚВПларга ҳам талабга қараб, 3 ёки 4 контурли печлар ўрнатилади.

- Модулли печга уланган битта маиший газ баллони билан 4 хонали уйни 24 кун давомида иситиш мумкин, - дейди "Худудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи Зафар Самандаров. - Кам газ сарф-

лайдиган мазкур печлар оммалаштирилса, ҳам уйлар яхши исийди, ҳам тўлови арзон бўлади. Муҳими, инсон ҳаёти учун хавфсиз.

Шу вақтгача мазкур печлар Хитой ва Эрон давлатларидан келтирилган бўлса, ҳозирда улар Тошкент шаҳри ва Ургўт туманидаги ишлаб чиқарилоқда.

- Модулли печкани мактаганларича ҳам бор экан, - дейди Тадбиркорлар кўчасида яшовчи Носир Ғафуров. - Ёнганида хиди чиқмайди. Иккитаси ёрдамида 10 га яқин хоналарни иситиш мумкин. Ошхона ва ҳаммомларни ҳам бир меъёردа иситади. Шу лойиҳага 2 haftaга 100 минг сўм тўлаган бўлсам, ҳозирда унинг ярмини тўлаялман.

"Худудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, модулли печлардан фойдаланганда, бир ойда 350 кубометр табиий газ ўрнига 250 кубометр сарфланар экан.

Дилмурод ТҶХТАЕВ,
Б.МУСТАНОВ суратлар.

Жамоатчилик эшитуви: Сувчилардан изоҳ сўралди

Вилоят матбуот уйида Ўзбекистон Экологик партияси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан навбатдаги жамоатчилик эшитуви ташкил этилди.

Партия етакчилари ва депутатлар аҳолининг суви ва оқова таъминоти, суви иншоотларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаатларга жамоатчилик вакиллари иштирокида соҳа масъулларидан жавоблар эшитди.

Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгаши раиси Абдушукур Ҳамзаев бугун дунё миқёсида сувдан оқилана фойдаланиш глобал масалага айланиб бораётгани, истеъмолчилар ўз бурчи ва мажбуриятларини бажариши ҳар қачонгидан ҳам долзарблигини таъкидлади.

масъуллар, қолаверса, истеъмолчилар бу бебаҳо неъматдан самарали фойдаланиш, унинг исроф бўлишига йўл қўймаслиги ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади. Афсуски, партиямиз ва депутатларимизга бўлаётган мурожаатлар, жойлардаги кузатуларимиз айни пайтдаги сувга муносабатимиз бу талабларга жавоб бермаслигини кўрсатмоқда. Жумладан, Зарафшон дарёси ва бошқа сув ҳавзаларидан фойдаланишда амалдаги қонун талабларига риоя этилмағли, суви ва оқова тармоқларида тез-тез авариялар юзга келаётгани, туманларда оқова тизими ва тозалаш



- Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида ҳам экология, айниқса, суви масалалари глобал муаммага айланиб бораётгани кайд этилиб, бу борадаги вазифалар алоҳида йўналиш сифатида белгиланди, - деди А.Ҳамзаев. - Дунё миқёсида чучук суви заҳиралари камайиб, кўп минтакаларда қурғоқчилик кузатилоқда, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси пасайиб бормоқда. Шунинг учун Конституцияда суви ҳавзалари ва ер ости заҳираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ана шундай шароитда суви хўжалиги ва таъминоти

иншоотларининг яхши ишламаслиги аҳолининг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Жамоатчилик эшитувида суви ва бошқа ҳолатлар юзасидан вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, "Самарқанд чучук суви заҳиралари камайиб, кўп минтакаларда қурғоқчилик кузатилоқда, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси пасайиб бормоқда. Шунинг учун Конституцияда суви ҳавзалари ва ер ости заҳираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ана шундай шароитда суви хўжалиги ва таъминоти

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА КўРА, 2023 ЙИЛ ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Қўшимча дам олиш кунлари

барча ходимлар учун (иш ҳафтасининг туридан катъи назар):
2 январь - душанба,
30 июнь - жума;

олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун:
3 январь - сешанба,
20 март - душанба,
22 март - чоршанба,
24 апрель - душанба,

1 июль - шанба,
2 сентябрь - шанба,
30 декабрь - шанба.

Ишланмайдиган байрам куни ҳисобланувчи "1 октябрь - Ҳаётининг ва мураббийлар куни" 2023 йилда яқшанба - дам олиш кунига тўғри келганлиги муносабати билан ушбу дам олиш куни **2023 йил 2 октябрь - душанба** кунига кўчирилади.

2023 йилда беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун дам олиш кунлари кўйидаги тартибда кўчирилади:
7 январь - шанба кунидан
3 январь - сешанба кунига;
11 март - шанба кунидан
20 март - душанба кунига;
25 март - шанба кунидан
22 март - чоршанба кунига;
29 апрель - шанба кунидан
24 апрель - душанба кунига.

2022 йил 8 августда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонуни тасдиқланди ҳамда жорий йилнинг 10 ноябрь санасидан кучга кирди. Мазкур Қонун "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойилни тўла рўйбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси

У қандай бўлиши керак?

Қонунда давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияси, давлат фуқаролик хизматчилари томонидан ривож этилиши шарт бўлган одоб-ахлоқ қоидалари, давлат фуқаролик хизматининг муайян малака даражаси берилиши ёки давлат фуқаролик хизматчиси лавозимини эгаллаш учун талабгор бўлаётган номзодларга нисбатан давлат органи томонидан белгиланадиган, иш таърибасига ва касбий компетенциясига доир талаблари ҳамда давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари белгиланган.

Масалан, давлат фуқаролик хизматчиси ўз хизмат ваколатларини бажариш ёки бажармаслик эвазига бирор-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, имтиёзлар ва преференциялардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, чет давлат фуқаролигини олишга ҳақли эмас.

Давлат фуқаролик хизматчиларини иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишларга жалб этиш меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилган ҳолда, давлат органи раҳбарининг қарори асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзaro яқин ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан айнан битта давлат органида бирга (ўзаро бўйсунув ва назорат ости) хизмат қилишга, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ҳисобварақларга эга бўлиш, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгаллик қилишга ҳамда ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган

ташкilotлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга ҳақли эмас.

Қонун билан махсус ваколатли давлат органи, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига давлат органлари раҳбарларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга иккон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш ваколати берилмоқда.

Мазкур қонун нафақат давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади.

Қонун билан миллий кадрлар заҳирасини шакллантиришнинг мутлақо янги - давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдирish мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган ҳолда саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуksиз малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг (энг муҳим кўрсаткичларига оид) ўлчанадиган индикаторлар тизими жорий этилади ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари раҳбарларининг оқибат рейтингини шакллантириш жорий этилади.

Мазкур қонун давлат фуқаролик хизматчилари томонидан кўп йиллар давомида куттилган тарихий ҳужжат ҳисобланиб, улар амал қилиши лозим бўлган ягона тартибтаомилдир.

Жамшид АБДУЗУХУРОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Нодавлат нотижорат ташкilotларига 1 миллиард 44 миллион сўм маблағ ажратилди

Иш фаолиятимизда ёки кундалик ҳаётимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Ўзбекистон "Ўзбек жанг санъати" федерацияси каби номларга кўп дуч келамиз. Кўпчилигимизда улар ҳақида аниқ тасаввур бўлмадлиги мумкин. Базилар ушбу ташкilotларни давлат ташкilotлари деб ҳисобласа, айримларда улар тадбиркорликнинг бир тури деган фикр ҳам мавжуд. Албатта, юқорида номлари қайд этилган ташкilotлар бу фуқаролар ёки тадбиркорларнинг ўзаро ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа фойдаланиш натижаларига эришиш, хайрия фаолиятини амалга ошириш ҳамда бошқа ижтимоий фойдаланиш натижаларига эришиш учун бирлашган гуруҳи - нодавлат нотижорат ташкilotлар эканлигидан хабардор бўлган фуқаролар кўпчилигини ташкил қилади.

Нодавлат нотижорат ташкilotлар фаолияти умумий тартибда Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкilotлар тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг 2-моддасида нодавлат нотижорат ташкilotи тушунчасига қўйиладиган таъриф берилган: нодавлат

нотижорат ташкilotи - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ижтимоий асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (азъолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкilotидир.

Мамакатимизда нодавлат нотижорат ташкilotларининг самарали фаолият кўрсатиши учун қўллаб-қувватлашга асосан, нодавлат-нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 60 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан 2021 йил 995 миллион сўм, 2022 йил 1 миллиард 44 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 60 дан ортиқ ННТнинг лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

Қонунчиликда нодавлат нотижорат ташкilotларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун турли имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкilotлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг қарорларини қўллаб-қувватлаш, улар мансабдор шахсларнинг айриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда, давлат божи тўлашдан озод этилган.

қучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солишчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.

Хусусан, кейинги икки йилда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг қарорларига асосан, нодавлат-нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 60 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан 2021 йил 995 миллион сўм, 2022 йил 1 миллиард 44 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 60 дан ортиқ ННТнинг лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

Қонунчиликда нодавлат нотижорат ташкilotларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун турли имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкilotлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг қарорларини қўллаб-қувватлаш, улар мансабдор шахсларнинг айриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда, давлат божи тўлашдан озод этилган.

Шунингдек, ННТлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларидан озод этилган.

Нотижорат секторнинг муҳим вазифаси - ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, фуқароларга давлат сисъатига таъсир қилиш имкониятини бериш, ҳукумат сисъатини танқид қилиш ва қўзғатиш бўлиши. Бундан нодавлат ташкilotлар жамиятнинг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишда, инсон ва молиявий ресурсларни жалб этишда, давлат сисъати самарадорлиги даражасини баҳолашда ўзини намоён қилади.

Шунинг учун ҳам нодавлат нотижорат ташкilotлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиш давлат сисъатининг муҳим йўналиши бўлиб қолаверади.

Достон МАЛИКОВ,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори.

Президентнинг 2022 йил 21 декабрдаги фармонида кўра, 2024 йил 1 январга қадар Европа, Туркия, Миср ва Мароқаш давлатларига газлама, трикотаж мато наҳсулотларини экспорт қилишда ташиш харажатларининг 70 фоизини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

АЁЛ ИШЛИ БЎЛСА, МОЖАРОЛАР КАМ



Оила ва хотин-қизлар бошқармаси томонидан вилоятнинг шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган ҳоким ўринбосарлари, хотин-қизлар фаоллари учун Паст Дарғом туманида ташкил этилган семинарда тадбир иштирокчилари аёллар учун яратилаётган имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зебинисо Раҳмонова бошчилигидаги фаоллар дастлаб Қозоқ Найман маҳалласида бўлиб, хотин-қизлар фаоли Дилноза Гаппарованинг иш таърибасини ўрганди.

Таъкидлаш керак, бу йил Д.Гаппарова Қасаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилган "Энг яхши хотин-қизлар фаоли" республика кўрик-танловида фахрли ўрин эгаллаб, 30 миллион сўм пул муҳофоти билан тақдирланди. Аёллар бандлигини таъминлаш борасида яхши натижаларга эришмоқда. Маҳаллада хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда оилавий ажримлар ўтган йилларга нисбатан кескин камайган.

Семинар иштирокчилари "Самарқанд Камалат Инвест Текстиль" кластерига бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг иш жараёни билан танишди. Ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кенгайтириб бораётган мазкур корхонада 200 нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилади. "Аёллар дафтари" даги аёлларни иш билан таъминлашга корхона раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилаётир.

Кейинги манзил уй шароитида беданчилик тармоғини йўлга қўйиб, ўзини ўзи банд қилган Азиза Исроилованинг хонадони бўлди. Шу йилнинг июнь ойида келтирилган 2100 дона бедана жўжалари 35 кунда етилиб, туҳум беришни бошлаган.

Август ойидан буюн харидорларга бедана туҳумларини етказиб берамиз, - дейди А.Исроилова. - Бедананинг 1000 тасини гўштга топширдик. Колгандан кунига 600-700 дона туҳум оламиз, 350-400 сўм атрофида сотилади. 1000 дона бедана кунига 30 килограммгача озуқа ейди. Бир ойда 4-5 миллион сўм атрофида соф фойда қолади.

Қорағуппа маҳалласидаги мебель ишлаб чиқариш цехида ҳам 24 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ёгочга дастлабки ишлов бериш, мебелларни пардоз-

лаш, чарм ва мато қопламаларини тикитиш-бичитиш каби жараёнлар аёллар томонидан бажарилган. Маҳалладаги ушбу цех 20 йилдан буюн фаолият юритиб келаятган экан. Ҳозирда корхона 50 турдан ортиқ маҳсулот чиқариб, нафақат ички бозорга, балки Тожикистонга ҳам экспорт қилмоқда.

Семинар иштирокчилари, Эски Жума маҳалласидаги "Бека Чарос" хусусий корхонасида ҳам бўлди. Корхона раҳбари Гулбека Қўчқорованинг савий-ҳаракати билан 200 га яқин иш ўрни яратилган. Ишчиларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

- Буюртма асосида махсус иш кийимлари, болалар трикотаж маҳсулотлари тиками. "Аёллар дафтари" да турган аёлларнинг 30 нафарини ишга қабул қилдик, - дейди Гулбека Қўчқорова. - 20 нафари уй шароитида ишлайди. Ногиронлиги бўлган аёлларнинг 4 нафарини ҳам доимий иш билан таъминладик. Иши тайин аёлнинг уйда тинчлик, рўзғорига баракка бўлади. Хотин-қизлар ўртасида юз бериши мумкин бўлган низоли ҳолатлар, қайнона-келин келишимовчиликларининг яна бир томони ишсизликка бориб тақалмасикина, деб ўйлаб қоламан. Ходимларининг ишидан, оиласидан эса кўнглим тўх.

Семинар якуни билан ўтказилган тадбирда вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зебинисо Раҳмонова хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш юзасидан Паст Дарғом таърибасини эътироф этди. Таъкидланганидек, қўнма ташкил топганига қисқа вақт бўлса-да, хотин-қизлар фаоллари, "Оқиша аёллар" ҳаракати аъзолари, кўчабошилар, ҳамкор ташкilotлар кўмағида ижобий натижаларга эришилган. Албатта, иш жараёнида айрим хато ва камчиликлар кўзга ташланмоқда. Семинарнинг ташкил этишдан асосий мақсад ҳам уларни бартараф этиш ўсуллари, механизмларини яратиш, ўрганишдан иборат эди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Паст Дарғом туманида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун жорий йилда 369 нафар аёлга 4 миллиард 449 миллион сўм маблағ ажратилган. Тумандаги 2800 нафар яқка тартибдаги тадбиркорнинг 1988 нафари хотин-қизлардан иборат. Тураржойга муҳтож хотин-қизларнинг 48 нафарига уй-жой берилган, 38 нафарининг тураржойини таъмирлаш учун маблағ йўналтирилган.

Гулрўх МЎМИНОВА.

Ёшлар ўртасидаги муаммолар, хусусан, жиноятчиликнинг илдиизи аксар ҳолларда ишсизликка бориб тақалади. Касб-қори, иши, даромади бўлмаган ёшлар ўз эҳтиёжлари учун пул топишнинг муқобил йўллариини излайди. Оқибатда эса жиноят йўлига киради.

ПРОБАЦИЯДА РЎЙХАТДА ТУРГАН ФУҚАРОЛАР "ИШГА МАРҲАМАТ" МОНОМАРКАЗИДА ЎҚИЯПТИ



Албатта, билиб-билмай нотўғри йўللарга кириб қолган ёшлар билан ҳам булган тизимли ишлаш йўлига қўйилган. Уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ямарқалари ташкил этилиб, касб-хўнара марказларида ўқишга йўлланмалар берилган.

Самарқанд шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида вилоят бандлик бош бошқармаси томонидан профилактик хисобда турган, вақтинча ишсиз бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, касб-хўнарага тайёрлаш ва қайта ўқитишга баъиланган пресс-тур ташкил қилинди. Пробацияда рўйхатда турган, ишлаш истатига бўлган фуқаролар мономарказдаги касб-хўнара мутахассисликлари, у ердаги ўқиш ва шароитлар билан танишди.

- Бу каби саъятлар пробация хизмати билан ҳамкорликда улар назоратида турган ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиляпти, - дейди Самарқанд шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази мутахассиси Зайниддин Соҳибов. - Бирор малакавий касбга эга бўлмаган фуқароларни қизиқтиришга

қараб касб-хўнара масканида ўқишга йўлланма берамиз. Бу ерда қисқа муддатда мутахассисликка эга бўлади.

Вилоят бандлик бош бошқармасининг маълумотига кўра, жорий йил пробация хисобиде турган фуқаролардан ички ишлар бўлимлари ҳамда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари орқали бандлиги таъминланганлар 735 нафарга етган. Бундан ташқари, муайян касбга эга бўлмаган 31 нафари "Ишга марҳамат" мономарказида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хўнарага ўқитилди. Келгуси йил пробация хисобиде турганларни ишга жойлаштириш учун 311 та иш ўрни заҳираси яратилди.

- Бугунги кунда пробация хисобиде турган ёшлар ва хотин-қизларни ишга жойлаштириш, бандлигини таъминлаш ҳамда қайта ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни амалга ошириш, назоратдаги шахсларни меҳнатга жалб қилиш мақсадида касбга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти, - дейди вилоят ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибни сақлаш

бошқармаси инспектори Нодир Қаримов. - Жорий йилда 12 нафар назоратдаги шахс касб-хўнара мактабларини битириб сертификат олди. Яна 10 нафари ўзи қизиққан соҳада касб ўрганипти.

Хўнара ўрганганидан сўнг уларга бандлик бошқармаси томонидан бўш иш ўринлари тақдир қилинади. Аммо кўпинча тақдир қилинаётган ишларнинг маънавий қониқмаган фуқаролар ўзлари мустақил иш топиб, даромадга эга бўляпти.

- Ушбу марказда бундан аввалги кўрғазмада қатнашиб, бухгалтерия соҳасида ўқишга қизиқиш билдирган эдим, - дейди Самарқанд шаҳридаги Муборак маҳаллада яшөөчи Акмал Насимов. - Йўлланма асосида ўқиб, хисоб ишини ўргандим. Ҳозирда хизмат кўрсатиш соҳасида мутахассислигим бўйича ишлаялман.

Соҳа мутаасдиларининг таъкидлашича, бундай чора-тадбирлардан мақсад билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган фуқароларни жамиятга қўиши, уларнинг ҳалол йўл билан даромад топишларига шартит яратишдан иборат.

Сўлаймон МАРДИЕВ.

СИФАТСИЗ ЎТИЛГАН ҲАР БИР ДАРС - КЕЛАЖАККА ҚИЛИНГАН ХИЁНАТ

Маҳмуд БОБОЁРОВ - Ўзбекистон таълими ва фан ходимлари касаба уюشمиси республика кенгаши раиси ўринбосари, филология фанлари номзоди. Таълим соҳасида раҳбарлик лавозимларида катта тажриба тўплаган мутахассис. "Халқ таълими эълочиси" кўкрак нишони соҳиби, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоси. Сўнгги беш йилда асосий вазифаси эълоиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш бўлса-да, таълимдаги ислохотлардан хабардор. Сўхбатимиз айнан таълимнинг бугунги ҳолати, аҳволини ўнглаш, ислохотлар ва унинг ижроси бўйича бўлди.

Журналистика мутахассислари биринчи савол енгилроқ берилиши зарурлигини тавсия қилишди. Катта тажрибанинг ҳисобга олиб, шу қондан бўзамиз ва сўхбатимизни қийинроқ саволдан бошламоқчимиз. Давлатимиз раҳбари ўчунчи Ренессанс пойдевори кўйиш таълим-тарбия соҳаси мутасаддилари эминсизда эканлигини таъкидламоқда. Бу вазифанинг удаланиши қай даражада, деб ўйлайсиз?

Ренессанс пойдевори. Емон бошلامадингиз.

Табият, коинот, башарият доимо ўзгариб, янгилини болади. Дунё юзиди кўрган одам ҳам том маънода конунати асосида яшаш ўтати, ҳаёти давомда ўзгариш ва янгилини қилишни орзулайди, унга интилади. Мана шу куч уни юксак қўққиларга олиб чиқиши мумкин.

Аббосийлар халифалиги давридаги биринчи Ренессанс. Бор-ўйи 100 нафар или аклиннинг бир мақсад йўлидаги тимисиз меҳнатлари натижаси.

Улар ҳам қўл қовуштириб ўтирса бўлаверарди. Лекин дунё ахли зугу фикр, зугу суз ва эзу амал мақсули бўлган мутафаккир болларимиз, алломаларимиз, миллий ҳақрамонларимизни билмаган, бизнинг тарихимиз ҳам деярли қарамакдан ибратат бўлган бўлар эди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз давридаги теурийлар Ренессанси, иккинчи уйғониш даври. Қудратли давлат, адалатли жамяти, иқтисодиёт, маданият ва илм-фан ривожини жаҳон халқлари таъминлади. Самарқанд ер юзиди сайқалига айланди. Мустабид тузумга қарши курашган Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Чўплон, Мунавварқори, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби минглаб жадид болларимиз кўчни, гоёни қаердан олганини исботлаш шарт эмас.

Мана, қисқагина Ренессанс моҳияти. Мухтарам Президентимиз қандай олашмуш ишга қўл ўрганларини энди бир тасаввурингиздан ўтказингиз.

Ренессанс пойдеворидаги ўқитувчиларга ишонилиши аввало, касбимиз тақозаси. Қолаверса, мустабидлик даври таъсиридан кейин миллатни уйғотиш кунчиға ҳамма эга эмас. Ўқитувчиға суянишни, ишонини касбимизга, касбдошларимизга бўлган мислсиз ҳурмат ва ишонч, деб биламан.

Президентимиз боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олий ўқув юртиларининг профессор-ўқитувчилари, илм ахли ҳамда ижодкор эълоиларимиз ўчунчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни эканлигини мунтазам айтиб келади.

Бугунгача соҳада амалга оширилган ишлар беқийс. Мактабларда бўламан, ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасидаги қайноқ ишлар билан танишамиз, раҳбарлар билан фикр алмашамиз. Вазир билан мулоқотда бўлганда унинг ислохотлар ижроси борасидаги қарори қатъийлигини кўриб, кўнгил таскин топганини ҳам таъкидлаш зарур.

Ютуқлар ўзимизники, галдаги вазифалар мени кекса педагог сифатида ўз гирдобига қорлайди. Ўқувчиларимизнинг олий ўқув юртиларига кириши жараёнидаги таъшишли ҳолат юларда қизгин муҳокамага сабаб бўлаётгани ҳеч қачон сир эмас. Унга кўз юмиб бўлмайди, албатта. Маъкур муаммонинг илдизи анча чуқурда жойлашган. Емон, соҳага дахлдорлар буни билади, аммо ўнглаш ботида дўпчини ерга қўйиб, фикрлашининг механизмини ишлата олишмаяпти. Очикроғи, аксар масъуллар вазифасини кузатувчилик мақомига айлантиришган кўринди. Рўхсат берсангиз, бунга сал туриб қайтсак.

Жонқуяр муаллимларимиз меҳнатининг машаққатларини ҳамма ҳам тушунавермайди. Фараз қилинг, ўқитувчи ўз мақсулотиини харидорга, яъни ўқувчисига тақлиф қилса-ю, сув ва ҳаводек зарур бўлган "бююм"ни харидор олмаса, сабаб нимада?

Келинг, фикримизга оддийгина, жайдармича изох берсак. Яъни ният билан қўчат олиб келдингиз, экиш ўчун ерни тайёрлаш керакми? Ундан кейин сўғриб бориш, ўғитлаш ва ҳоказолар.

Маъкур жараёнда илм келди, уни оладиган шахс бор, лекин унда хоҳиш, истак, ишонч, қолаверса, иштиёқ йўқ! Нима, "дарахт" эқилмаслиги керакми?

Бу қимнинг муаммоси?

Мен 50 га яқин ёшлар билан ишлашга масъул идора, ташкилотларнинг рўйхатини тузиб чиқдим. Низолларини тахлил қилдим. Имкониётларини санаб чиқдим. Лекин уларнинг амалда қилаётган ёрдамларини топа олмадим. Ундан ташқари, ота-она, маҳалла деганди. Низомларининг мақсад ва вазифаларини кўтариб даврга қорласак, ҳамкорликни йўлга қўйиб, "Кўпдан куён қочиб қўтулмас", деган мақол бор.

Муҳими, уларнинг юқорида "муаммо", деб кўрсатилган майдонда ўз "уластка"лари бор. Барчамиз ўзимизча фаолият юриятимиз. Лекин бесамам.

Муаммонинг соҳиблари қисман аниқланди! Халқ таълимининг муаммоси халқ билан ечиллади. Юқорида зикр қилинган халқ уйғонсин, ўзгарсин.

Бу қатъий ҳулоса. Бугун бирлашиб, ҳамкорликда ишламасак, жараён чўзилиб бораверади. Натижа нимага олиб боришини ҳаммамиз

яқши биламан.

Давлатимиз сиёсати талабидан келиб чиқиб, мактабларга мустақиллик бериш, ўқитувчиларнинг мақоми ҳақида алоҳида "ўзбекчилик", "эқниятчилик" ва бошқа "чилик"лардан холи конун эълоилишга эҳтиёж балиандлигини таъкидламоқчиман. Бошқарув аппарати мактабга "Бизга нима хизмат" деб борганда, муаммолар бир-бир ўзи чиқиб келаверади. Давлат раҳбари бежиз маҳаллабай ишлаш тизимини жойри қилмайди. Негаки, юқорида қайд қилганимиздек, "чилик"лар маҳаллада ҳам бор. Тўғриси, "майда масала" деб саналиб келинаётган, мактабдан туман, шаҳар, вилоят ва ҳоқазо идораларга масала кўтариш, ечим сўраб буюртма бериш тизими шаклланмаяпти. Тезкор тизимлаштирилиши шарт бўлган масала бу. Таълимнинг бошқарув идоралари ўқитувчилар ҳузурига кун ора сайёр қабулга бориши керак. Унга мажбурлаб эҳтиёжсиз услубни тикиштириш эмас, ўзлаштиришга тўқтинлик қилаётган муаммонинг аниқ ечимини берадиган ёрдамни жойида кўрсатиб, синов майдончасида қўллашда бош-қош бўлишлари даркор. Муҳими, "Шунга ҳам ақлинг етмадими?" деган даққига умуман ўрин бермаслик керак. Мактабга мустақиллик керак деганда, унга ўз тизимининг нуқсонсиз ишлаши ўчун керакли инстанциядан зарур хизматни талаб қилишга вақолат бериш зарурлиги назарда тутилмапти.

Урғу бермоқчиман, мактабдан юқори бўйга идораларига буюртма берилиши ҳақида фикр юриятимиз. Бошқа бир муҳим жиҳати: мактабда фанлар бўйича услубий бирлашмалар энг юқори даражада ҳурматлини мавқега олиб чиқилса, дарс сифатини қамида яна 50-60 фоизга ошириш имкони яратилди, фан ўқитувчиларининг ўзини ўзи бошқаришига, очкиклик, ошқораликка эришилди. Тест синовларидаги аммакйлашган хато-қамчиликларнинг тахлил қилиниши ва кейинги йилларда такоррамаслик чора-тадбирлари таълим сифатининг яқшиланishiға туртки бўлади.

Юқори даражадаги бўйин идораларига буюртмани берувчилар айнан шулар бўлиши назарда тутилмапти.

Уэр, фикрингизни бўламан. "Совет замонидан қолган", деган ваз билан "методбирлашма" фаолиятини баъзилар эътибордан четда қолдиришди. Бу борадаги фикрингизни кенгроқ изохласангиз.

Халқимизда "Илми керак бўлса, Чинга бориб ўрган", деган нақл бор. Тўғриси, беш қўл баробар эмас. Бир мудаат шу каби ёндашув билан қўл таърибали устоз-муаллимларимизни ҳам мактабдан четлатди. "Уронга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади", деганларидек, айрим пананда юрганларнинг касрига шундай ҳоллар ҳам юз берди.

Мана, касбаба уюшмаларининг аёвсиз курашлари ва Юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашлари билан пенсия ёшдагилар ҳам ҳаққисирамай фаолият юриятимиз бўлди.

Қайси замондан қилиш-қолмаслигидан қатъи назар, агар билим, таълим олишда қўл келса, муболагасиз, фойдаланишини шарт. Илм Африкада ҳам илм. У ёки бу фандан ўзлаштиришдаги муаммолар қаерда ечим топади, қайси услуб ўқувчиларимизга маъқул, у ёки бу мавзунини қайси ҳаётини мисол билан тушутириган афзан? Айтганча, қаерда бу каби саволларга тезкор ва ишончи жавоб топасиз? Муболагасиз, муайян фан ўқитувчилари ўз услубий бирлашмасида бу саволларнинг аксариятига жавоб олишди. Бу исбот талаб қилмайди-деган аксиома. Шу жараён билимли, таърибали ўқитувчиларнинг ҳурматиға ҳурмат қўшади. Устоз-шогирдик йўлга тушиб кетади. Устама белгилаш ҳам ортиқча машамалардан талаб бўлади. Меҳнатдаги ўрнак ўчун рабатлантириладиган бўлишади. Ишонинг, фан бўйича услубий бирлашмалар хизматига нафақат тан берилади, ҳатто қайта тан олинади. Иш жараёнда ҳамкорларимизга дахлдор муаммолар ҳам қаторлашиб чиқаверади. Гап уни моҳирона тақсимлаб, ҳал қилиб, қайта жараёнга қўйлашда қолади. Узингиз билсангиз, бу - масаланинг техник томони.

Бундай ҳолатда мактаб педагогика кенгаши ўз вақолатини ишга солиб, тегишли инстанциядан талаб қилиб, тегишли қарор чиқартириш вақолатига эга эканлигини эслаиб ўтаман. Негаки, услубий бирлашмаларда бошланган "қимирлаш" раҳбариятнинг бевоата қилиши турган гап. Андиша қилиб, елка қисиб ўтириш бизга обрў олиб келмайди. Давлат раҳбари ҳар қандай идорани таълим муассасаларига бўй-сундириб берди. Иш жараёнда аниқландиған муаммони ҳал қилувчи идорадан талаб қилмай, таълимни муаммолар гирдобиди қолдирмаслигимиз керак.

Маҳмуджон ака, сиз ҳокимликда масъул вазифаларда ишлагансиз, ҳаётингизнинг катта қисми вилоят халқ таълими соҳасининг раҳбарлик лавозимларида ўтган. Ҳозир ҳам бу соҳадан узоқ эмассиз. Таърибали мутахассис сифатида фикрингиз - ҳокимлик вакиллари, таълим тизими раҳбарларига нималар етшмаяпти?

Уричли савол. Бошқарувдаги қўл соҳа раҳбарлари фаолияти давомиди учрайдиган муаммоларга ана шу нуқтан назардан қараш иш услубимизнинг кредоси бўлиши зарур. Негаки, муаммони бир марталик, мендан кетгунча эмас, тизимлаштириш даражасига чиқариш, натижадорлиги шубҳадан холи бўлишиға эришгандан сўнггина назоратдан олишга одатлиниш билан бошқарувчилик обрў келтиради. Иккинчидан, муаммони кўтаришдан иманиши, ўчинчидан, ҳокимлик мутасаддиларини мактабга, юшоқроқ айтганда, меҳр, ҳурмат кўзи билан қарашга одатлантириш, ҳокимнинг ёшлар ишлари бўйича муовини, ижтимоий масалалар бўйича муовини, бош мутахассис, референт ва турли доимий ҳаракатдаги комиссиялар ўз



вазифаларининг мазмун-моҳиятини англашлари, ҳоқоз ўчун ишладан воз кечишлари талаб қилинади.

Ҳозир мактабнинг моддий-техник базасини таъминлаш ўн йил олдинги даражада эмас. Демак, етшмайдиған нарса - сифат. Дарс сифати билан шўғулланиш, "Бир соат ўтилган сифатсиз дарс келажакка қилинган хиёнат" деган широри остида ишлаш, яна аниқроқ қилиб гапирсак, сифатга эришишда тўғаноқ бўлаётган барча муаммонларнинг эгалари билан ҳамкорлик етшмайди. Илми дунёнинг бир бўлиги бўлиш, энг аввало, илм даргоҳларига юқори даражада ҳурматда бўлишини талаб қилинганидек, ҳокимликларнинг бу борада оёғи бор, ерда юрадиган сифат йўлида тўғаноқ бўлиб турган аниқ тўқинларни бутунлай олиб ташлаш бўйича масъул ташкилотнинг номи, бартараф этиш мудади қабиларни қамраб олган концепциялари бўлиши шарт. Одатий ижтимоий тармоқда бирор ўқувчи негатив чиқиб қилса, барча юқори эшелондаги мутасаддилар "Нега йўл қўйилди?", "Ким айбдор?", "Мана сенга жазо", дег "вазифалар"ни "муваффақиятли" адо этиши ярамайди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Муаммони аниқлаб, ечиб, бартараф этиш тизимини тузиб, қўтулишини мумкин.

Илми ёндашув мавзуларни мувофиқлаштириб, бошқарувга қаратилган бўлиши лозим. Биринчидан, нега бу ҳодисалар, аниқроғи, ҳатолар минг бор такоррланапти? Иккинчидан, "инцидент"нинг илдизи қаерда? Учунчидан, бу каби ҳолларни тахлил қилиб, ечим, услуб ишлаб чиқадиган масъуллар нима билан банд? Нега улар бутунлай бошқа вазифа: ҳокимликнинг фақат бошқарув соҳасига оид, аксар ҳолларда умуман соҳага дахлсиз масалалар билан шўғулланиб, ишлагандай кўрсатиб, ўзимизни ўзимиз тинчлантириб юриёмиз. Эътироз бўлса, низоинингизни очиб ўқинг, Янги Ўзбекистон стратегиясини арақланг, ҳозирги кунда ўқитилиш жараёнида қўл-оёғимизни кишанлаб турган муаммонинг келиб чиқиб илдизини тахлил қилиб, унинг уясини сиёсий вазифанинг қўланишига ҳоқ марказида эканлигининг шохиди бўлинг, ҳаммаси ойдинлашади. Тўртинчидан, раҳбарларимиз ечим ўчун масъуллигини ҳис қилиб, яъни айбини тан олиб, муаммони чияриқдан ўтказиши, зарурат бўлса, ҳамкор соҳаларни ёрдамга қақуриши, жамоатчиликнинг фикрини ўрганиши, асосийси, ҳолат такоррланишининг олдини олиш услубини кўйиға тақдим этиши, ҳатто қонунчиликка ўзгартириш киритиш ташаббуси билан чиқиши шарт. Мана бу соҳадан "ичига кириш", ишга ижодий ёндашиш, дейилади.

Турли идораларга мурожаат қилиш ҳақида гапирганингизда уларнинг мактабни назоратда сақлашга интилишлари, муаллимнинг ишиға ноўрин арақлашишлари ҳаёдан ўтди. Ўқитувчининг ким назорат қилиши керак?

Тўғри, худбинлигимиз боис ҳар биримиз назоратга муҳтожми. Аслида назорат ўқитувчи меҳнатининг мақсули, истеъмолчис томонидан, яъни ота-оналар томонидан амалга оширилиши керак ва бу ҳамкорлик йўлга қўйилса, у тез самара беради. Амалийимизда бўлган, ҳар ўқув чорағи охирида ўтказилдиган "Очик ҳисобот дarsлари" тизимлаштирилса, ўқувчи, ўқитувчи, ота-она бирдай масъулият соҳибига айланади. Бу тадбир педагогик кенгашга атрофлича муҳокама қилиниб, чорак бошида жадавали тасдиқлаб, қатнашчиларға расман етказиб, ҳамкорлик қилиш сўралиши мақсадга мувофиқ. Талаб шундаки, ҳар бир ўқувчининг чорак давомиди таълим стандарти талаби асосида эгаллаши керак бўлган билимини очик дарсда, ота-оналарига намойиш қилиши шартлиги белгиланishi керак. Бу янгилик эмас, лекин эътибордан четда қолаётган услуб. Шу услуб ўқувчи, унинг ота-онаси ва энг асосийси, ўқитувчининг тимисиз ўз устида ишлаши, дарс таътирчан бўлиши ўчун ижодий изланишини таъминлайди. Биз шуни қўтулимиз ҳолос, қолганини тизим ўзи табақлаштириб қўяди, пистирмада кузатувчилик билан шўғулланаётганларға мактабда ўрин қолмайди.

Негаки, халқимиз ориятли халқ. Уятли бўлишини хоҳламайди ва шу куч уни бошқариб туради.

Ҳақиқатан, таълим бошқаруви органлари ҳокимликларнинг конституцион бўлимлари ҳисобланади. Аммо таълим бошқаруви органларининг низомиди бош масала "Давлат таълим стандартларининг, таълимға қўйиладиган талабларнинг баъжарилишини таъминлаш, ўқувчиларға миллий ва умуминсоний кадриятларға асосланган юқори даражадаги маънавий-маъ-

рифий тарбия бериш", деган мақсад ва вазифа юқлатилган. Мана, энг асосий вазифа. Нимаси тушунарсиз? Кўполроқ эшитилди, кечирасиз, "Эчкини ҳам, қўғни ҳам ҳамиша ўзининг оёғидан осишган". Демак, охир-оқибат бошқарувчилардан халқнинг боласига берилган билимини сўрашади. Бошқасининг эғаси бор.

Фикрларингизни эшитилгани, ижтимоий тармоқларда "тренд" бўлаётган воқеалар кўз олдинға келаяпти. Бевосата синфхонаға кириб, дарслар мазмунини ҳақида сўраш, ўқувчиларнинг қай даражада ўзлаштираётганиға эътибор қаратишининг ўрниға мактаб қўрилиши-ю таъмирлашға рўжу қўяётгандекмиз.

Мактаб қўрилиши, таъмирлаш, замонавий техникалар билан таъминлаш муҳим, албатта. Бу борада катта ишлар амалға оширилмоқда. Лекин бир масала "Авалла янги мактаб қўрилсин, кейин мазмунли дарс ўтаман", дейиш нотўғри. Юқорида таъкидлаганимиздек, 10-15 йил олдин таълим муассасаларида оддий парта, доска ҳам муаммо эди. Биноларинг томида шифер йўқ эди. 2002 йилларда Самарқанда ҳоким қимлигини ҳамма билади. Уша оғир йилларда юрганимизни ҳову-члаг ўқлар эдик. Негаки, кечаси фалон мактаб қўлабди, фалон мактабнинг томи босиб қолибди ва бошқа хўнук хабарлар ҳавотирда юрардик. Мактабларнинг аксарий пойдеворсиз, шиферсиз, авария ҳолатида деб тан олганган, юшоқ қолпамада том битумланган бўлиб, Ўзбекистон иссиғи таъсирида ўмири тулаган, газ асосан шаҳар мактабларига улганган бўлиб, уларнинг ҳам босими йўқ. Бу ҳолатни ҳойиға чиқиб кўрган раҳбаримиз минг бир азоб билан Самарқанд вилоятининг мактабларини шиферлатиб берди. Ачирарлиси, давлат бюджетиди маблағ тақчил, қолаверса, мактаб таъмири ўчун деган қаторда "0" турарди. Лекин ҳар ҳокимлик соатида шифердан ташқари дарс сифатиға боғлиқ талаб ва тақлифларға кўмиб ташлади. Вилоятнинг ҳамма ижтимоий соҳалари мактабнинг хизматига жалб қилинган, расмий тарзда "Мактаблар кўни"да шахсан вилоят ҳокими раҳбарлиғида ҳар ойда бир туман (шаҳар)да сайёр семинар ўтказилар, кўн давомиди аниқ саволнома асосида ҳар бир таълим муассасаси ўрганилиб, тахлилий маълумот танқидий муҳокама қилинарди. Эсимда, рейтингда 14-ўриндалигимизни эшитиб, инфодалаб бўлмас даражада ҳафа бўлганлар ва у кишининг қаттиққўлликлари, таълим тизимига алоҳида эътибор эвазига икки йилда 1-ўринға кўтарилдиғани. Хулоса битта, мактабда шароит қандай бўлишидан қатъи назар, дарснинг сифатли ўтишини таъминлаш бурчимиздир. Қўрилиш, таъмирлашнинг эғаси ҳокимлик.

Энди Мавлоно Румийнинг "Мактаб фойдаси" масаласига қайтиб, айрим умумий кўринишларға тўхталасак. Албатта, келишганимиздек, ҳамкорлар ёрдамида, асосан ҳурматли маънавият ходимлари бошчилиғида, жамятда мактабга, илмға, ўқитувчиға ҳурмат муҳитини шакллантиришни йўлга қўйгандан кейинги вазифалар ҳақида фикр юриёмиздаки. Унинг бирикчи кўринишини ҳар бир мавзунини ҳаётини мисоллар билан мустаҳкамлаш, десам хато бўлмайди. Эътибор беринг, мисоллар дейилиди. Бу-си ўзлаштириш физи пастлашади. Қолаверса, фан бирлашмаси маҳаллий мисолларни қўшимча тавсия қилиши мақсадға мувофиқ. Амманан, бундай билим ҳақиқатдан тошға ўйиб ёзилган битик сингари бугун умр ёдан чиймайди.

Эътибор беринг, "мактаб" сўзи болани ҳарётта тайёрлаш, "педагог" сўзи болани етаклаш маъносини беради. Боғлиқликни қаранг, яққол қўзга ташланади.

Дарсларда академик тил, чет сўзлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш боланинг билим олишида бир қанча муаммо келтириб чиқаради. Бундай сўзларни оддий сўзлар билан изохлаб беришдан эринмаслигимиз зарур.

Иккинчи кўриниш: ҳеч қимға сир эмас, болалар ҳар соҳада бир-бирдан ўзишни, биринчи бўлишни хоҳлайди. Таълим сифати ҳам рақобатни талаб қилади, устулик рақобатда аниқланади. Нега биз ундан унумли фойдаланмаслигимиз керак экан? Синфлар ва ёнма-ён (ўзи) жойлашган мактаблар билан расмий ҳўжатта асосан мусобақадорлик қилиш тизимлаштирилса, мухит ижобий томонға ўзгартиришга қаролат бор. Албатта, алоҳида тартиб ишлаб чиқилиши, яқуни ҳақида маҳалланинг ҳамма кўрадиған жойиға олиб қўйилиши маъсулиятни ўн чандон оширади. Эътибор беринг, муҳими, чикимдорлик йўқ! Орият вазиятни бошқармоқда.

Дарслиқлар масаласи нозик масала. Аксарият ўқитувчилар ўчун улар ўқув дастурининг ҳақиқатан ҳам эквивалентиға айланган. Умуман қўл педагогик тамойилларға ва оддий тилда инфодалаша асосини ишлаб чиқилган дарслиқ қўлма-қўл фойдаланишидаги дарслиқдир. Бўнинг ўчун эркин танлов муҳитини яратиш мақсадиди яна шу демократияға мурожаат қилиш шарт. Яъни, наширётлар мақсулот намуналарини педагоглар танишиб, ўз танловларини қилишлари ўчун тақдимотлари билан мактаб даражасига таъширишлари мақсадға мувофиқ. Хулосанан мактаб раҳбари услубий бирлашмалар билан бамаслақат қабул қилсин.

Яна бир кўриниш. Қимдир буни фойдасиз деб ҳисоблаш мумкин. Ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига эътибор ўқитувчининг юмушини анча-мунча енгиллатади. Яқши танланми, синф йнгилишида сайланган сардор - беимнат муваффақият қалити. Қувонарлиси, сардорда ҳам лидерлик фазилатлари шаклланиб боради. Эсимда, Самарқанд шаҳар ХТБ томонидан ташкил қилинган "Сардорлар сўети" Республикада омналаштиришға тавсия қилинган эди. Фикрининг исботи, улар 100 фоиз бугун у ёки бу бўйида раҳбар лавозимиди фаолият юритимизда.

Сизнингча, таълим жараёниға кимлар ёки нималар тўқинлик қилапти?

Бугун ҳам афсуски, тўқинлар, мактабга паст назарда қараш мавжуд. Албатта, ойлик маош қамлиги, директорнинг бир неча жойға ҳисобдорлиги, ишчаник муҳитининг шаклланиши, мактабга, ўқитувчиға жамятда ҳурмат муҳитининг қамлиги, ўқитувчи 45 дақиқа дарсининг эғаси эмаслиги, директорнинг асосий вазифаларидан бошқа ишға қалғитилиши каби яна ўнлаб омиллари санаб ўтиш мумкин.

Билсангизми, кечачан пахта, макулатура, металлум, ҳашар, мажбурий обуна енгиб бўлмади, унинг дарсида унўм бўлмайди. Бундан жамят зиён кўради. Ўқитувчилардан фанини сўранг, устоздан ўқувчиларнинг илм сўрасин. Ишонман, ўқитувчилар касбини оқлай олади.

Кейингиси, муаллимға ҳурматсизлик қилдикми, унинг дарсида унўм бўлмайди. Бундан жамят зиён кўради. Ўқитувчилардан фанини сўранг, устоздан ўқувчиларнинг илм сўрасин. Ишонман, ўқитувчилар касбини оқлай олади.

Барчамиз мактабга, таълимға таъзимда ва "лаббай"да бўлайлик. Емонини яшириб, яқши-сини ошириб, бошимизға кўтарайлик! Натижа тез орада бўй қўсатади.

Яна бир масала. Мактаб формаси мавзусининг сийқасини чиқариб юбордик. Ҳолбуки, мактаб формасининг йўқлиғи дарс сифатиға қамида 70 фоиз салбий таъсир қилмоқда. Аникроғи, бир синфдаги қамида 70 фоиз боланинг фикри чалғаяпти. Буни тушуноган тушунади, тушуномаган ўқитувчи ҳақида кўп бўлмағур гаплари "байроқ" қилмоқда. Форманинг "айби" билан йўқотилган 70 фоиз диққат илм олишға сарфланishi шарт бўлган кўч.

Маълумот ўчун, расмли хонада, жимжимали кийимда намоз ўқилмайди. Сабаби, банданинг диққати ибодатдан чалғийди. Баъзи синфларға киритиб, бугун бошли "модалар ўйи" манзарасига гаҳу бўласиз. Бу жойда қанақа билим ҳақида гап бўлиши мумкин? Бундай муҳитда билим охириги ўринда туради. Аввало, башанг дийинган ўқувчи ўзидан бошқани кўрмайди. Узиға маҳлиёли уни янги "қарақомиллик"ға қорлайди. Айни шароитда шундай кийиниш, ундан ҳам ўзим кетиш орзуси эса қолганларнинг хаёлини мунтазам ўғирлаб туради. Ёзилмаган ҳақиқат, башанглик боланинг ўзини тутиши, муомаласини дарров ўзгартиради - бу бола психологияси. Катталаримиз ҳафа бўлишмасини, улар ҳам бу таъсирдан холи эмас. Оғности "мода"дан бошқасини қабул қилмайди. Қани, бундай синфға бир дарс бериб кўринг-чи. Сиз ҳам илжосиз қўл силтаган бўлардингиз. У давлатда ундай, бу давлатда бундай, деб ўзимизни алдаямиз. Узингизни шу бола ўрнида бир ҳис қилиб кўринг, бўлди. Фарзандларимизға ҳозир, энг муҳими, билим берайлик. Билим бериш - бурчимиз, башанглик бурчимизға кирмайди.

Халқ таълимига тиргақ фақат халқнинг ўзи бўлиши мумкин. Муаллимға суяччиқ, елкадо бўлиш бугун энг муҳим иш. Ёшларимизни илм дароҳиға, устоз-мураббийларға ҳурмат, муҳаббат руҳида тарбиялаши ўз зиммамизга олишимиз шарт! Ўқитувчи-устозлар ота-оналар ўчун рақобатчилар эмас, аксинча, оилангиз, ватанимиз келажакни таъминловчилардир. Узаро ҳурмат муҳити ҳўқдор дароҳида бош мақсад сўзсиз удаланади. Мавзуга қайта-қайта бежиз мурожаат қилмаяман. Мен узок йиллар соҳада ишлаган инсон сифатида ишонч билан айта оламан, муаллимларға ишонман. Сиз ҳам ишонинг!

Тезлик билан ўқитувчиға, мактабға нисбатан муносabatларимизни ижобий томонға ўзгартирмасак, у

“ЖОМБОЙ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ҳамкорларини яқинлашиб келаётган Янги йил билан муборакбод этади.

Маҳсулотлар сертификатланган.

АТИБ “ИПАК ЙЎЛИ БАНКИ”

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

В И Л О Я Т И М И З А Ҳ Л И В А
М Е Ҳ М О Н Л А Р И Н И

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

билан қутлайди.

Хизматлар лицензияланган.

UZTELECOM

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

жаннатмакон
юртимиз аҳлини янги

2023 ЙИЛ

билан табриклайди.

Хизматлар лицензияланган.

“ЎЗМИЛЛИЙБАНК”:

Сармояларимиз бизнеснинг муваффақиятли тармоғини ривожлантиришга йўналтирилади



Хизмат кўрсатиш соҳасининг инсонларга муносиб шароит яратиш билан бирга, мамлакат ялли ички маҳсулотидagi улуши ҳамда аҳолини иш билан таъминлашда имкониятлари катта. Шу боис Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалишида хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу борда “Ўзмиллийбанк” вилоят филиали ҳам соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаётган йирик тижорат муассасаларидан бири ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатишдаки, хизматлар соҳасида янги иш ўринларини яратиш нисбатан кам харажатли ва қисқа мuddатда амалга оширилади. Бундан ташқари, мамлакатда меҳнат унумдорлиги ва инсон капиталини ошириш (таълим, алоқа, соғлиқни сақлаш), халқаро савдони кенгайтириш имкониятлари ҳам хизматлар соҳасининг ривожини талаб қилади.

Ўтган 2021 йилда республикамизда жами хизматлар ҳажми 18,7 триллион сўми ёки ўсиш даражаси 121,6 фоизни ташкил этди. Хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати бўйича Самарқанд республикада биринчи ўринни эгаллаб, кўрсатилган хизматлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 119,2 фоизга бажарилди. Юқори ўсиш суръатлари соғлиқни сақлаш (140 фоиз), таълим (134,3 фоиз), транспорт (126,6 фоиз) ва молиявий (120,8 фоиз) хизматларни ташкил этди.

Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан соҳа ривожини учун 166 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, 161,1 миллиард сўмлик кредит маблағи тўлиқ ўзлаштирилди. Автомобиль йўллари бўйича 768 миллиард сўмлик 539 та хизмат кўрсатиш лойиҳаси амалга оширилиб, 3176 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қўшимча ажратилган 120 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ҳисобига 920 та лойиҳа амалга оширилди ва 4173 та иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириққа асосан, “Ўзмиллийбанк” АЖ қошида “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш маркази” ҳамда банкнинг ҳудудий филиалларида “Лойиҳа офислари” ташкил этилди. Шу билан бирга, “Ўзмиллийбанк” да ташкил қилинган “Лойиҳа фабрикаси” да 8 та малакали лойиҳа менежерлари томонидан тадбиркорларга хизматлар кўрсатиш бўйича янги ғояларни шакллантириш, бизнес режалар тузиш, лойиҳани амалга ошириш бўйича барча жараёнлар бўйича кўмак кўрсатиб келинмоқда.

“Лойиҳалар фабрикаси” да аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларга тақдим этилмоқда. Бунда ғояни лойиҳага, лойиҳани корхонага, корхонани экспортёрга айлантириш асосий мақсад этиб белгиланган.

“Лойиҳалар фабрикаси”нинг вилоят минтақавий бўлими томонидан ҳозиргача қурилиш материаллари, мебель ва қорғоз ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, текстиль ва тўқимачилик, кимё саноати, хизматлар кўрсатиш каби соҳаларда 238 миллиард сўмлик 92 та бизнес лойиҳа ишлаб чиқилди. Мазкур бизнес лойиҳаларнинг 41,5 миллиард сўми тижорат банкнинг кредит ва 196,5 миллиард сўми ташаббускор маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бунинг натижасида 1840 та янги иш ўрни яратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 11 ойида вилоятимизда 5041 та лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлаш



учун тижорат банклари томонидан 4,6 триллион сўм, шу жумладан, “Ўзмиллийбанк” томонидан хизмат кўрсатиш лойиҳаларига 2 триллион сўм кредит маблағи ажратилди. Ушбу кредитларнинг ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 баробарга ортди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида республикамизда жами ажратилган кредит ҳажмининг 37,1 фоизи “Ўзмиллийбанк” АЖнинг улушига тўғри келмоқда.

Шунингдек, хизматлар соҳасида йил бошидан 31 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига соҳадаги корхона ва ташкилотлар сони 383 мингтага етди. Йил якуни билан хизматлар ҳажми 23 триллион сўмга, яъни ўтган йилга нисбатан 123 фоизга етказилиб, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,8 миллион сўми (+1,1 миллион сўм) ташкил қилиши кутилмоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар давом эттирилади ва бу соҳадаги

корхоналарни замонавийлаштириш, уларни ҳудудларнинг ихтисослашуви (драйвери)дан келиб чиқиб жойлаштириш, хорижий тажрибаларни амалиётга таъбиқ этиш ишлари олиб борилди.

2023 йилда ҳам соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида молия муассасамиз томонидан жами хизматлар ҳажми 28,4 триллион сўм (114,5 фоиз)га етказилади. Бунинг учун 5,5 мингта янги хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилиб, 117 мингта иш ўрни яратилади.

Жумладан, янги лойиҳалар ҳисобига 21,6, фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 15,2, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига 59,8, легаллаштириш ҳисобига 20,4 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 500 та бўш турган давлат мулки объекти ижарага берилади, 450 гектар ер участкаси, “К-савдо” платформасида 2 мингдан ортиқ ер участкаси аукцион савдоларига чиқарилади. Ҳудудий дастур доирасида қиймати 4,5 триллион сўмлик 1744 та лойиҳада 10,2 мингта янги иш ўрни яратилади. Хусусан, тиббиёт

Карим МҲМИНОВ,
“SHIFOKOR-LDA” масъулияти
чекланган жамияти раҳбари:

– Соғломлаштириш насканини бугунги кунда аҳолига урологик касалликларнинг эрта диагностикаси, яъни уларни биринчи ва иккинчи босқичда аниқлаш, беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш, даволаш ва урологик касалликлар профилактикаси бўйича хизмат кўрсатувчи Марказий Осиёдаги санокли тиббий муассасалардан бири ҳисобланади. Муассасамиз фаолиятини янада кенгайтиришда “Ўзмиллийбанк” АЖ вилоят филиалининг кредит маблағлари қўл келди. Клиникамизнинг гинекология маркази қурилиши лойиҳаси учун банк томонидан тегишли тартибда ва етарли миқдорда кредит маблағи ажратилди. Янги бўлимларимиз иш бошлаши билан яна 10 та янги иш ўрни яратилади.

соҳасида 320,3 миллиард сўмлик 90 та лойиҳа (1107 та иш ўрни), таълим хизматларида 111,6 миллиард сўмлик 61 та лойиҳа (453 та иш ўрни), туризм хизматида 1794,6 миллиард сўмлик 177 та лойиҳа (2176 та иш ўрни), савдо хизматларида 1589 миллиард сўмлик 656 та лойиҳа (3721 та иш ўрни) бошқа соҳаларда 708,3 миллиард сўмлик 760 та (2728 та иш ўрни) лойиҳа амалга оширилди.

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида “MARVARID BOLAJON” нодавлат таълим муассасасига тегишли аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида болалар боғчасини ташкил этиш лойиҳаси учун “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан 2 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди.

Бобур МАМАРАДЖАБОВ,
“Ўзмиллийбанк” АЖ вилоят филиали
бошқарувчиси.

Хизматлар лицензияланган.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ МАГИСТРАТУРАГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мутахассисликлар номи	Жами қабул режаси	
	Давлат гранти асосида	Тўлов-шартнома асосида
Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар)	0	6
Бухгалтерия (тармоқлар ва соҳалар)	2	6
Рақамли иқтисодиёт	1	4

Турдош йўналишлар бир-бирига мослигини кўриб чиқинг:
<https://magistr.edu.uz/turdosh.pdf>
Магистратура қишки қабулида хорижий тилни билиш даражасидан қатъи назар, сертификатни борлар ҳужжат топшириши мумкин.
2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасалари магистратурасига декабрь-январь ойларидаги танловда истисно тариқасида хорижий тилни билиш даражасидан қатъи назар, (С1 ёки Б2 сертификатидан ташқари бошқа даражадаги) сертификатга эга талабгорлар ҳам иштирок этишига рухсат этилди.
Муҳим жиҳати, ўқишга қабул қилинган талабалар ўқиш давомида талаб этилганидек миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатни қўлга киритиши лозим. Акс ҳолда, якуний давлат аттестациясига рухсат этилмайди.
Танловда иштирок этиш истагини билдирганларга 2023 йил 10 январга қадар (шу кунни ҳам) magistr.edu.uz электрон тизими орқали онлайн рўйхатдан ўтиш имконияти яратилади.

ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИ БАКАЛАВРИАТ ДИПЛОМИНИНГ ЎРТАЧА БАЛЛАРИ АСОСИДА АНИҚЛанади.

Мурожаат учун телефон: (+99893) **996-22-88** ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.

“SAMARQAND KAMALAK INVEST TEKSTIL”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни яқинлашиб келаётган

Янги йил байрами

билан табриклайди!

Маъмулотлар сертификатланган.



Икки ўт орасида

ХИКОВА

Хаяжондан бироз ўнгайсизланди, лекин йигитнинг хайрлашуви чоғидаги кўриниши, барибир, севгининг сирли майдонига илк қадам қўйган ошшк ҳолатига ўхшамасди. У қизнинг учрашиб туришга майли борлигини сезиб турар, лекин илгариги тажрибаларига таянган ҳолда, аввал қизнинг қўлларини кафтига олиб силашни режалаштирган мақсади, афсуски, ёнида турган бўлганидан оҳуздан ҳам хуркаклиги туфайли амалга ошмаганини англаб турарди, шунинг учун хайрлашиб кетар чоғидаги кўриниши илк ишқ висолидан масрур бўлган одамникига ўхшамасди. Қиз эса аксинча, кўнглида ўзи ҳам тушунмаган бир ориқтирувчи хиссиёт пайдо бўлганидан сармаст, шунданми, ҳатто энди қачон учрашишлари ҳақида бирор шамма ҳам қилмаган йигит аҳволига унча эътибор бермади ҳам.

Бир неча кун ўтиб, қизга иккинчи йигит телефон қилди. Учрашайлик деганида қиз ҳамжонаси ҳақида гапирдики, деб ўйлагани. Лекин унинг ҳам севги изҳор этиши олдиндаги қизни бир оз доверитиб қўйди, кейин "айтмабди-да", деган хабар борди. Ўзи бу ҳақда гап очмишга истиҳоло қилди. Тўғрироғи уялди. Қиз яна истироҳат боғига борса керак, деб ўйлаганди. Йўқ, бу йигит сажийроқ чиқди, олдин муқаймоқ едилар, кейин кинога тушдилар. Фильм вақти йигит қўлини секин қизнинг қўли устига қўйган эди, ҳеч кутмаган эканми, қиз сесканиб, бир салчиб тушди. "Илтимос, бунақа қилманг", деган сўзи у шивирлаб айтган бўлса-да, гап оҳанги қувватга эгадек, ток урган каби йигитни хушгир тортирди, ўйлаган мақсадини иккинчи бор хайтаришга журъати етмади, ноилжоз эътиборини экранга қаратди...

Қиздаги ўзгаришни дугоналар сезишди. Ҳатто ҳол-жонига қўйишмай, бахтиёр йигит кимлигини айтишини талаб этишди. Лекин қизнинг сир сақлаши уларга ёқмади, кўнглини оғрипти, аразлаган бўлди улар. Ахир қиз кимни айтсин? Йигитларнинг иккиси ҳам уни севиб қолган

бўлса, у эса қайси бирини ортиқроқ ёқтиришини ўзи ҳам билмайди. Галдаги учрашувда аниқлайман дейди, бирини иккинчисидан устун қўймайди. Гоҳида хайрон қолади. Наҳот, улар бир хонада истиқомат қилиб, бир қизни севиб қолганини билшмасди. Бир кунни учрашувда йигитдан атай ҳамжонасини сўради. У эса дўстнинг кимгадир ошшк бўлганини, шунданми одамови, "ичимдагини топ" қабилидаги одамга айланганини айтди. Шунга ўхшаш гапни иккинчи йигитдан ҳам эшитиб, уларнинг иккиси ҳам севиб қолгани, лекин бир қизни севишганини ўзлари билшмаслигини ўйлаб, нима қилишини билолмай, боши қотди. Бу масалани ким билан маслаҳат қилишни ҳам билмасди. Йигитлар билан бирга ўқийдиган ҳамжонашлар дугонасини кўриш учун унинг ётоқхонаси ёки ўқиб жойига бормоқчи бўлиб бир неча бор отланди, лекин қизлик гурури йўл бермади. Йигитлар бизни излаб келибди, деган хабарга боришмасин деб фикридан қайтди. Ҳамжонасидан ҳам қизни маслаҳат қилгани йигитларнинг гоҳ имтиҳон, гоҳ ўқиб қўлини бахона қилиб, узоқ вақт кўнгирик қилишмагани эди, баъзан оилаб учрашмасди улар. Бирга ўқийдиган дугоналари эса севишганлари билан ўзлари белгиланган маълум кунлар, айримлари эса хоҳлаган вақтлари учрашиб юришганини кўриб, қиз яна висол онлари келишини кўмсар, бундай лаҳзаларни орзиқиб кутарди.

Паришонлик билан ўтаётган кунлардан бирини йигитларнинг бири яна қизни йўқлаб қолар, бир қарорга келишни кўнглига тугиб учрашувга қиққан қиз унинг мафтункор чехрасига тикилиб, ўзи ҳам билмайдиган сифатларига баҳо бераётган йигитнинг ширин сўзларига маҳлиё бўлиб, унинг ҳамжонасига нисбатан нимасидир устунлигини кўнглидан ўтказаркан, келажак ҳаётини у билан боғлашни ўйлаб қолар, фақат хабар бўлганини норози боқиши билан маълум қилса-да, оиласида тарбиядан ортирган ахлоқи ҳазм қилолмагани учун

ораларида масофа сақлашга ҳаракат қиларди. Қайта-қайта айтса-да, йигит аввалига аразлаган қиёфага кираркан, кейин ўзини ундан хафа қилиб кўрсатиш билан қизни авраш мумкин эмаслигини англаб, севишганларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги фикрларини баён этишга тушиб кетарди.

Шундай вақтлар қиз унинг аҳволини четдан кузатиш имкониятига эга бўлганида боягина қўйиб-ёнаётган йигитнинг бирдан хафсаласи пир бўлганини пайқаган бўларди, лекин айни дамда ҳали узоқ суҳбатлашиш истағида бўлган қиз йигитнинг кетиш таррадуғига тушиб қолганини тушунмас, шу билан бирга, ажабланишига сабаб бўлган бу шожқоқликка изох талаб этишга ожиз эди. Албатта, бундай вақтда ётоқхонада йигитни ҳамжонаси илҳақ бўлиб қўлиб тургани, бугунги учрашуви қиз билан қандай ўтказганини майда-чуйда тафсилотларигача сўраб олгани, қиз бу гап ҳам, ҳатто қўлини ушламаганини эшитиб, иккиси биргалликда олдиндаги уни яна бир бор ёвоийликда айблаб, кейин ҳар бир қизнинг шундай одобга эга бўлишини истаганини, уни барибир "қўлга ўргатмай" қўймадлиқларини айтиб, баҳсини давом эттиришларини, энди эрта ё индин қизни бошқаси учрашувга таклиф этишга келишганини ишқ оstonасига энди-энди қадам босаётган қиз ҳаёлига ҳам келтирмади.

Йигитларнинг ҳамқурси бўлган дугонаси тузилган кунини ўтказишга қизни таклиф этганида у ёрдам бериш баҳонасида ётоқхонага эртасоқ борди. Уша бино, ўша қават, ўша эшик, ҳеч нарса ўзгармаган. Фақат орадан бир йил ўтибди. Қизнинг ишонгиси келмади. Худди кечагидек. Дугонаси турадиган хона эшигини секингина таққиллатаркан, қўшни эшик ёпиқ бўлса-да, у ерда ўзини севадиган йигитлар яшашини билгани учун юраги тўрға тушган қушдек ҳалприқди. Хаёлида тўғрисидаги эмас, қўшни хонанинг эшиги очилиб, йигитлар чиқиб қоладигандек эди. Йўқ, ўйлагани бўлмади, буқланган кўрсаткич бармоғи билан икки бор охира урган эшик шашт билан очилиб, пешанасида терлари сезиб турган ҳамжонашнинг юзи кўринди. Улишиб кўришишаркан, ичкари кирган қиз ёрдамга кечикганини сездди. Икки ёнда қаравот бўлган ичмакани хонанинг ўртасида узунасига учта стол қўйилган бўлиб, ҳар хил ликочача-ўлчамли турлича бўлган қошиқ ва санчқиларни эътиборга олмас, дастурхон бир қарашда дид билан безатилганга ўхшар, ҳали меҳмонлар келмай туриб, ҳар столга иккитадан чап-чак ном ҳам қўйилганди. Таклиф этилганлар олтига айтилган экан, ҳали икки соат вақт бор. Овқат буюртма қилинган учун уни олиб келишга кетган ҳамжонашнинг ҳали келишига қанда бир соатлар борлигини айтган ҳамжонашнинг унинг эрта келганидан хурсанд бўлди.

Зеркиби ўтирган экан. Суҳбатга берилдилар. Дарров уч йил ўтганини, яна бир йил

ўтиб, ўқиш тугашини гапиришди, кишлоқни эшлашди, кейинги режалар ҳақида бир-бирнинг фикрини эшитишди. Асосий эътибор барибир бу оқшоғи тадбирда бўлгани учун гап ўтган илги тузилган кун воқеаларига уланди. Утирганларнинг нима дегани, нима қилгани ёдга олиниб, ўша кечадаги хурсандчиликни бир-бир қўш олдиларига келтиришди. Қиз дугонасидан бугунги кечга кимларни таклиф этганини сўради. Деярли барча ўтган сафаргилар экан. Асосан қизлар ва қўшни бўлишгани учун нариги хонадаги бирга ўқийдиган йигитлар. Уларнинг иштирок этишини эшитиб, қиз дув қизарди. Бу ҳатто дугонасига ҳам сезилди. Унинг гапига қараганда қиз ўшанда уларда яхши таассурот қолдирган экан. Чўнқи кўпинча ундан ҳамжонашнингиз яхшими деб сўраб ҳам туришаркан. Қиз уларнинг уч йилдан буён бирга ўқишларини назарда тутиб, улар ўзи қандай йигит эканлиқларини шунчаки дугонасидан сўраган бўлди. Ҳамма йигитлар қатори экан улар ҳам. Устунлиги келишган ва хушқаджликда. Камчилиги эса, дугонаси ўзига имо қилиб қўлиб қўйди, шундай курсдоқ қизларни қўйиб, ўз кишлоқларидан ўйлашиб олишганида экан. Дугонаси бундан икки йил муқаддам улардан бирининг тўйига қўпчилик бўлиб боришгани ва узоқ вилоятнинг чекка бир кишлоғида икки кун қолиб кетишганини қўлиб айтиб бераркан, аввалига ўзига тикилиб турган қизнинг аҳволи ўзгарганини унча пайқамасди. Кейин юзидан қон қочиб, ҳолсизланиб бораётганини кўриб, бирдан шовиб қолди. Унингдан чақон туриб, ошхонага югурди. Пиёлада келтирган сувни унинг лабига тутди. Қўлтиғидан олиб, қара-вотта ётқизмоқчи эди, қиз унамади. Бир дам нафасини ростлаб, аввал дугонасига, кейин дастурхонга қўз ташлаганча-ў ўрнидан охира кўзгалиб, эшикка йўналди. Утиниб, илтимос қилишига қарамай, негидир мазаси қочгани, бундай аҳволда кечада иштирок этишга олмаслигини тушутириб, кун ботмай, ётоқхонасига етиб олишни маҳзун товушда айтаркан, халатига қўл узатган дугонасидан кузатиб оёвора бўлмаслигини сўради. Лекин барибир, бекатгача у бирга чиқди. Чексиз бир хижолат билан, нима учун эканлигини ўзи ҳам билмай, қиздан кечирим сўраркан, уни автобустга миндириб, қувончли қўнида бундай кўнглисиз воқеа бўлганидан афсусланган қўйи бироз хомуш қайфиятда хонасига қайтди.

Орадан ҳеч вақт ўтмай, меҳмонлар тўпланиши, кеча очилиши билан у барча ташвишларини унутиб, бахтиёр қизга айналди. Фақат анчадан сўнг, давранинг айни қизини чоғида йигитлардан бири ундан ҳамжонашни нега кечада иштирок этмаётганини сўраган дугонасининг маҳзун қиёфаси лоғ этиб нигоҳида гавдаланди, лекин унинг бугунги аҳволига қўшни хонада яшайдиган йигитнинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини ўйлаб, индамай қўя қолди.

Ҳуршид НУРУЛЛАЕВ.

Ақли кишиларнинг ўғиллари устидан қилган ишлари номаъқул бўлмас

Ўзбек адабиётини оилавий муносабатларни очиб берадиган асарлар ниҳоятда кўп. Бунда асар марказида унинг мазмунини олиб қўлиб, ёр ёки она тимсоли туради. Аммо негидир ота образи кўп қўлаб асарларда иккинчи даражали қаҳрамонлар қаторига тушиб қолади. Ота насиҳати ўлароқ фарзанд қамолотга етиши, улуғ мартабаларини эгаллаши мазмунини ифодаловчи, панднома рўҳидаги кичик ривоятларгина учрайди, холос. Доимо оналарини куйлаймиз, улуғлаймиз. Албатта, бу арзирли ҳолат. Аммо улар ёнида тоғ бўлиб турган падари бузуқворини ҳам бу алқовга лойиқ назаримизда. Айнан ота тимсоли кенг мушоҳадада ёритилган, яъни бош сиймо даражасида олиб чиқилган асарлар ниҳоятда қам, она тўғрисидаги ҳикоялар ва қиссалар эса хотирамизда ёд бўлиб қотган.

"Ўткан кунлар" романидаги ота тимсоли энг ёрқин образлардан бири. Асарда ўзбекона урф-одатлар, миллий қадриятлар, ота-она ва фарзанд муносабатлари ўз ифодасини топган. Айниқса, Юсуфбек ҳожи ва Отабек орқали ҳақиқий ўзбек ота-ўғил муносабати очиб берилган. Юсуфбек ҳожи заковатли, халқларвар инсон. Хар бир гап-сўздан маъно олиш мумкин бўлган, зиёли ва билим-ли киши. Отабек ҳам ўз навбатида отасига тик боқмайди. Бунни қўйдаги суҳбат орқали ҳам билиб олиш мумкин.



- Уғлим, ҳали сан эшитдингми, йўқми, ҳайтовур, биз санинг устиндан бир иш қилиб қўйдик...
Отабек маълумки, уларнинг "қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини", албатта, билар эди. Шундоқ ҳам бўлса, билмаганга солинди:
- Ақлик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари, албатта, номаъқул бўлмас, - деди.
Энди бугунги ота ва ўғил муносабатларини кўз олдинга келтиришим. Бугун ҳаётимизда ота ўз ўғлига муносиб тарбия бермагани ёки ўғил отасига қўл кўтаргани каби ҳолатлар учраб турибди. Қолаверса, турли сериалларда кўраётган-

нимиз ота-ўғил муносабатлари ачинарли ҳолга келиб қолган. Фарзандларда отага нисбатан ҳурмат шаклланишида оналар катта ўрин тутди. "Отанга айтма", "Отан билмасин" каби болаларни ёлғонга ва хиёнатга ўргатувчи жумлалар ўрнига "Отан билан маслаҳатлаш", "Отан билса, жажли чиқади", деб улар ўртасидаги муносабатларни ислоҳ қилувчи ибораларни ишлатса ва бунда аввал ўзи ўрناق бўлса, оила тинч-тотув, фарзандлар меҳр-оқибатли бўлади.
"Ўткан кунлар"даги ота образи бугун ҳаётимизда жуда долзарб. Аммо замонавий ўзбек адабиётида оталар ҳақидаги асарлар бармоқ билан санарли.
Насиба ЭҒАМОВА,
Қўшрабт туманидаги
46-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

РЕКЛАМА, E'LOMLAR, BILDIRISHLAR / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...
Каттақўрғон туманидаги "KAMALAK KLASTER 2022" масъулияти чекланган жамиятининг (СТПР: 310081464) устав фонди 19 000 000 000 (ун тўққиз миллиард) сўмдан 1 000 000 (бир миллион) сўмга камайтирилади.
Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давонда қабул қилинади.
Манзил: Каттақўрғон тумани "Каттаминг" МФЙ, Каттаминг кишлоғи, 64-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасида марҳум Норбутаев Тирқаш Кубевиичга (2021 йил 1 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 110-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасида марҳум Каршибаев Эсирган Беркиновичга (2021 йил 4 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 110-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолiddин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Манин Владимир Владимировичга (2021 йил 21 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолiddин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолiddин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Юсупов Суратбек Юнусовичга (2022 йил 7 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолiddин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Аминов Махмуржон Юсуфович нотариал идорасида марҳум Иргашев Зариф Латифовичга (2018 йил 5 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аминов Махмуржон Юсуфович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Сўғдиёна маскани, 14/12-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
"APEX INSURANCE" акциядорлик жамияти "Туркистон" филиалининг (СТПР: 305684696) думалок мухри йўқолиганига сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги "LAYLO-SHABNAM" масъулияти чекланган жамиятининг (СТПР: 303943010) думалок мухри ва бурчак танғаси йўқолиганига сабабли бекор қилинади.

ТОПАНГА МУКОФОТ!
Фуқаро Холбеков Алижон Таллибаевичнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси (АГ 0797493, 01.06.2019 йилда Самарқанд вилояти ИИБ ЙХБХ 3-ТРИБ томонидан берилган) Иштихон тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.
Телефон: +99893-335-0272.

Пайариқ туманидаги "ADVOKAT TONIR NAMDAMOVICH" адвокатлик бюросининг адвокати Бердиев Тоҳир Ҳамдановичнинг хизмат гувоҳномаси (№ 669, 23.11.2022 йилда вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган) Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.
Телефон: +99895-444-05-40.

Эргаш ЭРНАЗАРОВ

Каттақўрғонлик фидойи муаллим, бутун умрини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган Эргаш Эрнazarов 74 ёшида вафот этди.
Эргаш Эрнazarов 1948 йилда Каттақўрғон тумани Чигатой кишлоғида туғилган. Урта мактабни тугатган, 1967-1971 йилларда Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетида ўқиди.
Шундан сўнг унинг меҳнат фаолияти кишлоғидаги 9-умумтаълим мактаби билан боғланди. Бу ерда у нафақага чиққунга қадар ўқувчиларга математикадан дарс берди. Педагогик маҳорати, фидойи ва жонқурлиги билан нафақат мактаб жамоаси орасида, балки туманда обрў-эътибор қозонди. Фарзандларини доимо ҳалол ризқ билан ўстиришга ҳаракат қилган ҳолда ўқитувчиликдан ташқари дуррадорлик, тегирмончилик ва бошқа кўп қўлаб ишларини билан шугулланди.
Бир гуруҳ дўстлари ва шогирдлари.

Малик РЎЗИҚУЛОВ

Халқ таълими соҳаси фидойиларидан бири, халқ маорифи аълочиси Малик Рўзиқулов 71 ёшида вафот этди.
М.Рўзиқулов Иштихон туманида туғилиб ўсди. Олийгоҳни битириб, ўзи ўқиган мактабда муаллимлик қилди, алга танилди. Иқтидорли мутахассисни ташкилотчилиги, ташаббускорлиги учун туман партия қўмитасига ишга олишти ва у туман партия қўмитасининг бўлим мудири, вилоят партия қўмитаси бўлим мудири ўринбосари вазифаларида ишлади.
Бир муддат вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлагач, уни Самарқанд шаҳридаги 10-меҳрибонлик уйига директор этиб тайинлашти. Бу ердаги ибратли ишлари учун унга Тошкентдаги энг нуфузли болалар ўғил директорлигини ишониб топширишди.
М.Рўзиқулов илм масканиде етим ва тарбияси оғир болалар билан ишлашда намуна бўлди, давлатимизнинг орден, медаллари билан тақдирланди. Бир қатор халқаро анжуманларда, фестивалларда таъ-

лим-тарбия борасидаги муваффақиётларини намойиш этди.
М.Рўзиқулов турмуш ўртоғи билан уч нафар фарзандни замонавий маъносидан ишонан этиб тарбиялади. У Самарқанд вилояти жамоатчилиги, ҳамжасблари ўртасида катта ҳурмат қозонди.
Жонқуяр муаллим М.Рўзиқуловнинг хотираси уни билган ва у билан ишлаган кишилар ёдида узоқ вақт сақланиб қолажак.
Иштихон тумани халқ таълими бўлими жамоаси.

Зиёратдан қайтгач, тўй қилиш тўғрими?

Қишлоғимизда бир отахон бор эди. Соқоллари узун ва оппоқ, Эғнида доим оқ яқтак бўларди. Ҳамма у кишини, "Ҳожи бобо" деб чақирарди. Кўпчилик унинг ҳақиқий исмини билмас эди. Ёши катталарнинг айтишича, маҳалламиздан фақат шу отахонгина муборак Ҳаж зиёратига бориб келган экан. Ҳоч бир тўй ёки маросим ҳожи бобосиз ўтмасди. Катта-ю кичик у кишини ҳурмат қиларди. Тўй базмларининг вақти ёшларнинг қизиққонлиги сабаб чўзилгудек бўлса, отахон микрофони олиб, "Тўйга яқун ясаймиз" деса, ҳеч ким унга қарши чиқмасди. Ҳатто спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ҳуши ўзиде бўлмаганлар ҳам ҳожи бобони кўрса ҳушёр тортади. Отахон жуда кўп оилавий жанжалларнинг бар-тароф этилишига ҳам сабабчи бўлган. Бу йигирма йиллар олдинги гаплар.



Бугун нафақат маҳалламиз, балки кичкина қишлоғимиз аҳолиси орасида Ҳаж ва Умра зиёратини адо этган ўнлаб отахон ва онахонлар, ҳатто ёшлар ҳам бор. Аммо қишлоқдошларимиз, айниқса, ёшларнинг уларга нисбатан ҳурмати ҳаминқадар... Кўпчилик ота-онасини Ҳаж ва Умра зиёратига юборишни орзу қилади. Бунинг учун мамлакатимизда кенг имкониятлар эшиги очилди. Бу аввало, тиҷчилик ва хотиржамлик, қолаверса, тўқчилик ва фаровонлик белгисидир. Биз эса бундай неъматларнинг қадрига етишимиз керак. Афсуски, орамизда муборак Умра зиёратидан қайтган отаси ёки онасини янгича урфлар билан кутиб оладиган кишилар учраб турибди. Бир куни Бекатда бир йигит билан танишиб олдим. - Ёшми ўттизга яқинлашиб қолди, - дейди у. - Аммо хали уйланганим йўқ. Отам 20 йил аввал автоҳалокат сабаб оламдан ўтган. Онам тўрт фарзандни ёлғиз ўзи, минг бир қийинчиликлар билан катта қилди. Мактабни битириб, 3-4 йил олий ўқув юртига киришга уриндим, аммо талаба бўлолмадим. Билимим яқши эди, бироқ ўша пайтда ўқишга кириш қийин эди. Кейин онамга рўзгор тебратишда ёрдамчи бўлдим. Утган йили ўқишга тайёрланиб, грант асосида талабалikka қабул қилиндим. Дарсдан бўш вақтларимда ишлаб, пул йиғипман. Онамин Умра сафарига жўнатмоқчиман. Уйланишимдан олдин шу ниятимни амалга оширишни макссад қилганман. Зиёрат қилиб келишга етарли пул тўпланди, аммо қайтиб келгач, кутиб олиш маросими, эл қатори "ҳожи тўй" қилиб бериш учун кўпроқ маблағ тўплашим керак. Унга зиёратдан қайтган, дабдабали кутиб олиш маросими қилиш шарт эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. - Бундан 25 йил аввал гўзал, эсли-хушли, ўқимлиш қизга уйланганман, - деган эди бир суҳбатда чамаси 45 ёшдаги эркак киши. - Турмуш ўртоғимнинг онаси болалиғида оламдан ўтган экан. Онамини ўз онасидек кўриб, ҳурматини жойига қўйдим. Бир куни менга онамини Ҳаж зиёратига юборишни ният қилиб, пул йиғётганини айтди. Ичига сиғмай кетдим. 5-6 йил яқши ҳаёт кечирдик, аммо фарзандли бўлмадик. Тушун қайфият ишимизга ҳам таъсир қилди. Кичкина рўзгоримизни тебратишда қийинчиликлар сезила бошлади. Шу орада рафиқаннинг оёғида оғриқ пайдо бўлиб, тўшакча михлини қолди. Кўпчилик турли

маслаҳатлар берди, аммо уни ташлаб кетиш эркак кишига ярашмаслигини билардим. У тўшакда ётган ҳолда бир боғлам пул узатиб, "Онажонни Ҳажга юборинг!", деди. Пулни олдим. Қандай жавоб олишимни билмас ҳам бу таклифни онамга айтдим. У рад этди. Бу пулни хотинимни давлатиши учун сарфлашимни айтди. Уша пайтда қанча пул сарфламайлик, даво бўлмади. Мана, 20 йилга яқин вақт ўтибдики, турмуш ўртоғим тўшакда. Онам ҳам қариб қолди. Энди тиббиётда янгиликлар пайдо бўлди. Хотинимнинг касаллиғига даво топиш имконияти бор, аммо меъда маблағ йўқ. Қолаверса, унда жароҳлик амалиётига бардош берадиган мадор йўқ экан... Ҳа, ён атроғимизда, бирор-бир яқини, отаси ёки онаси бемор бўлган, зиёрат ёки тўй ўрнига, "Дорига пулни қаердан топсам бўларкан?" деган ўй билан юрганлар қанча?! Ачинарлиси, орамизда ён қўшниси арзиманган чой-чақага муҳтожу, ота-онасининг зиёратдан қайтгани учун дабдабали, исрофгарчиликка сабаб бўлувчи тўй-маросимлар ўтказиб, ўзларини кўз-кўз қилаётганлар ҳам кўпчиликини ташкил қилади. - Ўзларидан нур ёғилиб, чиройли кийимда Ҳаж ёки Умра сафарига отланган юртдошларимизни кўрсак, кўзимиз қувнайди, - дейди вилоят бош имом-хатиби Зайниддин Эшонқулов. - Уларнинг ихлос билан, савоб умидида муборак зиёратларини амалга оширишлари учун имконият яратилганига шўқроналар қиламиз. Аммо ота-онамининг кўнгуллари оламиз, деб нотўғри йўл тутадиган бўлсак, савоб ўрнига гуноҳ орттириб олган бўламиз. Ижтимоий тармоқлар орқали гувоҳи бўлаётганимиздек, айрим юртдошларимиз зиёратдан қайтган ота-онасини ортикча дабдаба, манманликка берилган ҳолда кутиб олоқда. Бу - ҳаддан ошиб, дегани. Бу - исроф. Парвардигори олам Қаломи шарифда айтади: "Исроф қилувчилар шайтонларнинг биродарларидир. Яратган Роббингиз исроф қилувчиларни суймас!" Уйлаб кўрайлик, биз Аллоҳнинг муҳаббатига эришишни истаётганимиз ёки шайтонга биродар бўлишимиз? Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: "Енглар, ичинглар, садака ва эҳсон қилинган, аммо исроф қилманглари!". Шундай экан, шўқроналар келтириб, ота-онамининг дуосини олсак, исрофгарчиликлар ўрнига эҳтижмандаларга ёрдам берсак, Яратганнинг суйган бандалари сафиде бўламиз. Тўлқин СИДДИҚОВ.

82 ёшдан. Болалиқда ўзим гувоҳ бўлган, ота-боболаримиздан эшитганларимни қозғоғга тушириб бораман. Буларнинг бари юртимиз, ўзим яшаётган қишлоғимизга оид қизиқарли маълумотлар. Қишлоғимиз Пайриқ тумани марказидан 15 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда Истиклол, Деҳқонобод ва Оқтош каби қишлоқлар бор. Бу қишлоқларда яшовчи кишилар бундан юз йиллар аввал Қўшрабат туманининг Оқтепа, Пичот, Жўш, Оқчоп, Пангат, Ғужумсой қишлоқларидан кўчиб келган кишиларнинг авлодлари ҳисобланади. Техникалар кириб келмасидан илгари Нурота, Ғазгон, Жўш каби манзиллардан чиққан карвонлар Самарқанд шаҳрига шу қишлоқ орқали ўтган. Қизилчадан

Ҳар бир туманнинг тарихини акс эттирувчи китоб керак

туз, Ғазгондан мармар тошларни туяларга ортиб ташиган. Кейинчалик пахта ва галла етиштирила бошланганда ҳам уларни Самарқанд шаҳридаги бозорларга туяларда элтган. Карвон йўли дашт ҳудудидан ўтган, қурғоқчил бўлган. Айтишларича, замонасининг ўзига тўқ кишиларидан бўлган Аллаёр бой бу ердан ўтувчи карвонларни ўйлаб, карвон йўлидан Оқчопсойлик Мусо полвонга бир қудуқ қаздиради. Узоқ йиллар йўловчилар бу қудуқ сувидан ичган. Кейинчалик қудуқ атрофида карвонлар доимий кўним топиб

кишилар яшаш манзилларини қуриб, катта қишлоққа айланган. Айтмоқчи бўлганим, бундай манзилларнинг тарихини билишимиз, уларни асраб-авайлашимиз зарур. Ҳар бир қишлоқнинг пайдо бўлиши бирор тарихий воқеа ёки сабаб билан боғлиқ. Назаримда бугун ҳар бир туманнинг тарихини акс эттирувчи китоб бўлиши лозим. Бунинг учун ёши улуг, ўтмишдан хабардор халқимизнинг эшитиши, улардан қимматли маълумотларни ўз вақтида ёзиб олиш зарур. Турди ТУРСУНОВ, Пайриқ тумани.

Мусаҳҳиҳ янглишганда...

Газета-журналларни мўтолаа қилиб, гоҳида мақолаларда имловий хато ўтиб кетганлигини кўриб қоламиз. Албатта, хато қилишдан ҳеч ким қафолатланмаган. Қизиқ жиҳати, камдан-кам учрайдиган бу ҳолатлар баъзан матннинг мазмунини ҳам ўзгартириб юбориши мумкин. Эътиборингизга кўзим тушган айрим "ноёб" хатоларни ҳавола этаман. - Тракторлар хамирланди (таъмирланди) - Қозини еди (казини) - Сен гапир (Сингапур) - Кам почча (Кампучия) - Мизомбек (Мозамбик) - Ваҳоб берилди (яхоб) - Эллик фоиз чилдирма (чегирма) Ж.МАЖИДОВ, Оқдарё тумани.

Маслаҳат

Шаҳардан қишлоққа кўчиб келган Латиф томорқасида кетмонга суюниб, бошини қашиб турарди, кўчадан Улаш мол дўхтири ўтиб қолди. - Ҳормасинлар, Ҳормасинлар! - У велосипедни деворга суюб, илдам келиб Латиф билан қуоқ кўришди. - Қалай, қишлоқ зериктирмаяптими? - Зерикшига вақт йўқ, иш қўп, манов картошкани қандай экишни билмай, ҳайрон бўлиб турибман, - деди Латиф томорқага ишора қилиб. - Шаҳарда ҳеч-чам дехқончиликка ишим тушамагани. - Э, бундан осони йўқ, ука, - деди касал молларни чой билан уқол қилиб, "бу импортчи қиммат дори", дея одамларни чўв тушириб юрган Улаш мол дўхтири. - Ҳозир картошка экишининг янги усули чиққан. Уруғни қозонда қайнатиб, зарарли замбуруғлар ва бактерияларни ўлдирасан. Сўнгра ёйиб қурутган, экиб чиқасан, вассалом. Қарабсанки, муштдек-муштдек, эртапишар картошка тайёр... - Раҳмат, ака, яқши маслаҳат бердингиз! Латиф ўша куниниёқ Улаш мол дўхтири айтгандай қилиб картошкани экиб чиқди. Аммо ўн кун ўтса ҳам, йиғирма кун ўтса ҳам бирорта уруғ униб чиқмади. Латифни лақиллатиб кетганини сезди. Бироқ одамлар ўртасида майна бўлмаслик учун бу ҳақда ҳеч кимга чўрқ этмади.

Тажанг

- Хотин, қаердасан? Оғил томондан эри Назир тажангнинг дағдағали овозини эшитиб, айвонда "мариновка" ёпаётган Мاستон опа чўчиб тушди: "Яна ичиб келганга ўхшайди, илоё, ароқни чиқарганим гўрида тўнғиз қопсин. Яна бир машмашани бошла-маса гўрға эди!". - Шу ерданман! - Мастон қўлини шоша-пиша фартўғига артиб, ташкарига чиқди. Назир тажанг қўлида паншаха, ғазаб билан унга қараб келарди. Эртага бозорга чиқариб сотиб, пулини кизининг контрактига тўлайман, деб боққан ҳўқини жойида йўқлигини кўриб, капалаги учиб кетганди. - Ҳўқиз қани? - Ҳаром ўлғур бўшалиб, шу атрофда юргандир-да! Ҳовлидан қай гўрға борарди. Мен "мариновка" ёпаятудим... - Шунақами, "мариновка" ёпаятудингми? Мана, "мариновка", мана! - Жазавага тушган Назир тажанг паншаха билан банкаларни чил-чил қилди. - Агар ҳўқиз топилмаса, мен сен "мариновка" қиламан. У молхона тарафга қараб кетди. Атрофини айланиб чиқди, ҳўқиз йўқ! Узилган ароқни қозикда турибди. Оғилга қараш эсига келибди, секин ичкарига мўралади. Ҳўқиз қоронги бурчада пишиллаб, қавш қайтариб ётарди. Назир тажанг бўшашиб кетди: "Э, ҳовлиқмай ўл, эскиз шўнча "мариновка!". Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Мулоҳаза учун мавзу

Қонжиғали хунук от(ми?)

Кўпдан бери ташқи реклама воситалари ва эълонлар, савдо ва кўнгулчар марказларнинг ажнабий номлар билан аталиши тилимиз жонкуярларининг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлади. Аммо бундай эътиборсизликнинг оқибати ҳақида оммавий ахборот воситаларида қанча кўп гапирилмасин, ижобий томонга ўзгариш бўлмади ҳисоб. Аксинча, бугун юртимиздаги айрим аҳоли манзиллари - қишлоқ, маҳалла ва гузарларнинг номларини ўзгартиришга кириш кетиши билан бу хатар янада газак олди.

Иштихон туманида Қонжиғали номи қишлоқ бор. Яқинда жой номларини ўзгартиришдаги ҳаракатларда кўпчилик ушбу қишлоқ номини ҳам тилга олди. - Қишлоғимиз номини қулоққа хунук эшитилади, деб ўзгартиришни таклиф қилганлар бўлди, - дейди шу қишлоқда яшовчи адабиёт муаллими Асомиддин Уролов. - Аммо бу хато иш. Ота-боболаримиз бекорга бундай номлашмаган. Бу ном аслида "хонжиғали" - "жиғаси бор хон" (жиға - тож ёки бош кийимдаги махсус безак, белги) деган маънони билдириб, бу уруғ кўнгулчарнинг катта бир бўлаги ҳисобланади. Қишлоғимиз номи ҳам шундан келиб чиққан. Вақтлар ўтиб, унинг айтилиши "қонжиғали"га ўзгарган, бу шевага хос жиҳат. Аҳоли соми кун сайин ўсиб, яшаш манзиллари кенгайиб, янги қишлоқлар пайдо бўляпти. Албатта, бу қишлоқлар бирор-бир ном билан аталади. Бу маълум воқеа-ҳодиса, алоҳида хусусиятга эга белги ёки қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кўпинча ном қишлоқда яшовчи кишиларнинг кўпчилик қисмини ташкил қилувчи уруғ номидан олинади. Вилоятимизнинг турли ҳудудларида бир номадаги қишлоқлар кўп учрайди. Бу уруғларнинг кўчиб ўтиб, янги қишлоқларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Жой номлари халқ ижоди самараси ва халқ каби оддийдир. У шу ердаги реал ҳақиқатдан, ўтмишдан, кундалик ҳаётдан, мавжуд табиий ва иқтисодий воқеликдан келиб чиқди. - Маҳаллий ва тарихий номлардан воз кечиб, туман ва шаҳарларда аҳоли манзилларини бир хил ном билан аташ урф бўлаётганлиги афсусланарли, - дейди СамДУ профессори Муродқосим Абдиев. - Жорий йилда вилоятимизда бир нечта туманларда аҳоли пунктлари номи ўзгарти-

Ҳайрат Изҳор "Аттанг"лади Муштарий илҳом Тўртликлар

Ҳайрат мени айлади эср, Самарқандда энтиқиб тошдим. Шаҳри эзини баникли қаср, Таърифларга сўз топмай шошдим. Бесак бўлиб гўзал туйғулар, Чор атрофга сайқал уфуриниш. Ўз ўзлуги қанча сайёҳлар, Англай олмас, ўнгини ё туш. Кўнгуллارга кўччиш ободлик, Чехраларда манун ифода. Хавоси ҳам шодликдек тотлик, Шаҳри сайқал эрур эиёда. Истиклолдан униб истиқбол, Нек ниятлар қаноту ёрдир. Англаганим равшан ҳақиқат, Бу маъвода барака бордир.

Ииллар ўтар кун, ойлар сайин, Инсонлар ҳам утар бирма-бир. Ким тупроқда ётар шунчайин, Кимисидан балиқ турар нур. Кўнгуллариин забт этнок мушқул, Ҳарорати бўлмаса дилин. Фойда бермас насабу усул, Юқтирмаса фикру ақлини. Кўпин ризо этноклик учун Ваъда эмас, икродир асос. Ҳақиқатнинг тилидир узун, Назар етган назардан қолмас. Бугун кўриб Самарқанд кўркин, Қиёсларга топилмас қиёс. Лек баралла айтмоқлик мумкин, Самарқанддир Самарқандга хос. Ҳайрат порлар, кўларда ёлқин, Таҳсинларан юндир улшоқор. Ва, вужуддан айтилар таҳсин: Обод юртада мард ўлгон бисёр. Суюндик Мустафо НУРОТАЙИ.

Фельетон шеър Янгибойча катта кетиб, "нан-ман"лади, Нони кетган тўйхонадан жой танлади. Етти гузар йўлларига жарчи қўйиб, Улфатталлаб, чапанларни жамлади. Дастурхонда нозу неънат қават-қават, Тўхуиз таом ёшу қарин "ҳанг-нанг"лади. "Батанг-батанг" овозлари қарнай-сўрнай, Дўлча баэни, ноғоралар "даранг"лади. Ақл қочди, даста-даста пуллар сочди, Ўзин гўё Хотгани Той деб англади. Жазавада рақсга тушиб эркак, аёл, Ёш болалар қулоғини чангаллади.

Карахт бўлган отахонлар эшик излаб, Деворларни пайпабасабон "таранг"лади. "Вағир-вуғур", кўшиқларнинг тайини йўқ, Ушбу ҳолат асабларни таранглади. Ҳотантойлик ширин тушдек ўтиб кетди, Лойиқ нақтов олмагани аламлади. Эру хотин тўйдан кейин жанжаллашиб, Пул тополмай, бир-бирини "сан-сан"лади. Бўзгаича чиқиб келиши қарз-қавола, Ғайбдан энди суд йўқ, гарчи "аттанг"лади.

Кан еганлар соғлон ҳар нафас, Кан деганлар таънага қолмас. Кан ухлаган хушёр кишининг Ғайратига айлангиз ҳавас. *** Шошган одан маррага етмас, Чала қолар, иши ҳам битмас. Гоҳ ҳовлиқиб, тез югурмасин, Шошилганлар узоққа кетмас. Шомирзо АБДУАЗИЗОВ, меҳнат фахрийси, Паст Дарғом тумани.

Publication information including ISSN, website, and contact details for Zarafshon newspaper.